



12

2023

dekabr

ISSN 2091-0542

VETERINARIYA MEDITSINASI



TIBBIYOT INSONNI,
VETERINARIYA INSONIYATNI ASRAYDI!



– Каттаю кичик ветврачлару мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бераётган қўмитамиз раиси Баҳром Тўраевични, ҳокимлару барча фаолларни, ҳамкасбларни қутлуғ кунлар саодати билан самимий табриклайман. Ўтаётган ҳар бир кун она юртимизга, ҳар бир оилага олам-олам қувончлар келтирсин, – дейди Фориш туман ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги маркази директори Бахтиёр Нурмуродов. – Кечагина “Ўзбекистон Республикаси ветеринария фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирлашди, бундан бошим осмонга етди. Насиб этса, бундан кейин ҳам бутун куч-қувватимни берилган ишончни оқлашга сарфлайман. Янги йилда соҳамиз янада тараққий этсин.

– Очиғи, бундай мукофотга сазовор бўлиш тушимга ҳам кирмаганди. Раҳбарларга, аввало барчамизга ибрат кўрсатиб ишлаётган қўмита раиси Баҳром Тўраевичга раҳмат, умри зиёда бўлсин, кўз тегмасин. Биз каби кексаларни эъзозлаётган барча раҳбарларимизни Аллоҳнинг ўзи қўлласин, байрамингиз муборак бўлсин азизлар, – дейди 65 ёшни қаршилаган ховослик “Ўзбекистон Республикаси ветеринария фидойиси” Қурбонбой Отабоев.



Тахририят кенгаши:

Х.Б.Юнусов – СамДВМЧБУ ректори,
профессор (раис)
Ж.А.Азимов – ЎзР ФА академиги (аъзо)
Б.Т.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси
раиси (аъзо)
А.И.Ятусевич – РФА академиги (аъзо)
Е.Д.Джавадов – РФА академиги (аъзо)
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги (аъзо)
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Шабунин – РФА академиги (аъзо)
К.В.Племишов – РФА мухбир аъзоси (аъзо)
С.В.Позябин – профессор (аъзо)
Ш.А.Жабборов – профессор (аъзо)

Тахрир хайъати:

Х.Салимов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Б.Давлатов – профессор
Б.Бакиров – профессор
Б.М.Эшбуриев – профессор
Н.Б.Дилмуродов – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.А.Элмуродов – профессор
А.Г.Гафуров – профессор
Н.Э.Юлдашев – профессор
Х.Б.Нижзов – профессор
Б.Д.Нарзиев – профессор
Р.Ф.Рўзикулов – профессор
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.И.Федотов – ВДВМА доценти
Х.К.Базаров – доцент
Ш.Х.Қурбонов – доцент
Ж.Б.Юлчиев – доцент
О.Э.Ачилов – в.ф.ф.д. (PhD)

Бош мухаррир вазифасини бажарувчи:
Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Мухаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси

Муассислар:

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш кўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”
масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2018 йил
2 февралда 0284-рақам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Тахририят манзили: 100022, Тошкент шаҳри,
Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

Адади 3540. Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 20.12.2023.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп

этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #12 (193) 2023 “PRINT-
MAKON” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Чилонзор тумани, 25-мавзе,

47-уй, 45-хонадон.

Қишлоқ ялқовликни ёқтирмайди

А.Алиқулов – ХОНҚА: чорвадор у ветврачлар фаол 3

Долзарб мавзу

Н.Юсупов – Муқобил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб
чиқариш ҳолати ва тенденцияларининг таҳлили (хорижий
тажрибалар) 5

Паразитар касалликлар

Ф.Д. Акрамова, У.А. Шакарбаев, А.А. Акбаров, Д.А.
Палуаниязова, Ж.К. Уббиниязова, Ш.О. Саидова,
С.С. Халиков, А.А. Сафаров, Д.А.Азимов – Испытание
новых композиций супрамолекулярных препаратов при
гельминтозах животных 7
А.А. Акбаров, Ф.Д. Акрамова, У.А. Шакарбаев,
Ж.К. Уббиниязова, Д.А. Азимов – Профилактика
шистосомоза животных 12
Б.У.Қутбаев, О.У.Алланиязов – Қорақалпоғистон
Республикасида қорамолларни гўштга сўйишда фасциолёз
ва эхинококкоз касалликларининг аниқланиши
ҳамда уларнинг иқтисодий зарари кўрсаткичлари 16

Акушерлик ва гинекология

В.М.Eshburiyev, A.B.Nazarov – Sigirlarda akusher-
ginekologik dispanserlashning yuqori mahsuldorlikni
ta'minlashdagi ahamiyati 19
Ш.А.Каримов, Ш. Х.Чоршанбиев – Қорамоллар
бепуштлигининг асосий турлари таснифлари ва уларнинг
олдини олиш чоралари 22

Жарроҳлик

М.А.Ravshanov – Qo'ylar senurozining zamonaviy
diagnostikasi 26

**Хайвонлар ва паррандаларнинг анатомияси
(патфизиологияси)**

Ж.М.Турсагатов, Н.Б.Дилмуродов – Қорақўл қўйлар елка
суяги ғовак моддаси қалинлигининг постнатал онтогенезда
ўзгариши 28

**Ветеринария доришунослиги
(фармокопеяси) ва токсикологияси**

U.I.Rasulov, D.I.Baxriddinov – Piretroidlar to'g'risida
ma'lumot va ularning qishloq xo'jaligida qo'llanilishining
ahamiyati 30

Ветеринария-санитария экспертизаси

О.Э.Неъматуллаев – Хлорелла суспензиясининг бройлер
жўжарлар гўшти сифатига таъсири 32

Йил сарҳисоби

2023 йилда чоп этилган илмий мақолалар рўйхати 34

Editorial council

Kh.B.Yunusov – rector of Samarkand state university of veterinary medicine, animal husbandry and biotechnology professor (chairman)
J.A.Azimov – UzAS academician (member)
B.T. Norkobilov – Chairman of the Veterinary and Animal Husbandry Development Committee (member)
A.I.Yatusevich – RAS academician (member)
E.D.Djavadov – RAS academician (member)
Y.A.Yuldashbaev – RAS academician (member)
D.A. Devrishov – RAS correspondent member (member)
C.V. Shabunin – RAS academician (member)
K.V.Plemishov – RAS correspondent member (member)
S.V.Pozyabin – professor (member)
Sh.A.Jabborov – professor (member)

Editorial board

C.Salimov – professor
K.Norboev – professor
A.Daminov – professor
R.B. Davlatov – professor
B.Bakirov – professor
B.M. Eshburiyev – professor
N.B.Dilmurodov – professor
F.Akramova – doctor of biology – professor
B.A.Elmurodov – professor
A.G.Gafurov – professor
N.E.Yuldashev – professor
Kh.B.Niyazov – professor
B.D.Narziev – professor
R.F.Ruzikulov – professor
A.A.Belko – associate professor of VSAM
D.I.Fedotov – associate professor of VSAM
Kh.K.Bazarov – associate professor
Sh.Kh.Kurbanov – associate professor
J.B.Yulchiev – associate professor
O.E.Achilov – doctor of veterinary (PhD)

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan, “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070.

Editorial address: 4, Kushbegi, 22. Tashkent, 100022

Tel.: 99 307-01-68,

☎ 97 770-22-35

E-mail: zooveterinariya@mail.ru
www.Vetmed.uz

circulation: 3540. **Index:** 1162

Permitted for print: 20.12.2023. Format 60x84 1/8
Printed by Offset printing 4,25 press works Order #
Free price.

© “Veterinariya meditsinasi”, #12 (193) 2023

Printed by “PRINT-MAKON”
Co., Ltd., Tashkent city.
47/45, Chilanazar 25 quarter .

Challenging theme

N. Yusupov – Analysis of the situation and trends in the production of alternative food products (foreign experiences)..... 5

Parasitic diseases

F.D. Akramova, U.A. Shakarbaev, A.A. Akbarov, D.A. Paluaniyazova, Zh.K. Ubbiniyazova, Sh.O. Saidova, S.S. Khalikov, A.A. Safarov, D.A. Azimov – Testing new compositions of supramolecular drugs for helminthiasis in animals 7
A.A. Akbarov, F.D. Akramova, U.A. Shakarbaev, J.K. Ubbiniyazova, D.A. Azimov – Prevention of schistosomiasis in animals 12
B.U.Kutbaev, O.U.Allaniyazov – Detection of fasciolosis and echinococcosis diseases in the slaughtering of cattle for meat in the Republic of Karakalpakstan and indicators of their economic damage..... 16

Obstetrics and gynecology

B.M.Eshburiyev, A.B.Nazarov – Importance of obstetric-gynecological medical examination of cows in ensuring high productivity 19
Sh.A. Karimov, Sh. Kh. Chorshanbiev – Classifications of the main types of cattle infertility and their prevention measures..... 22

Surgery

M.A. Ravshanov – Modern diagnostics of sheep coenurosis.... 26

**Anatomy of animals and birds
(pathophysiology)**

J.M. Tursagatov, N.B. Dilmurodov – Changes in the thickness of the porous substance of the humerus of Karakul sheep during postnatal ontogeny 28

**Veterinary pharmacology
(pharmacopoeia) and toxicology**

U.I.Rasulov, D.I.Bakhriddinov – Information about pyrethroids and the importance of their use in agriculture 30

Veterinary-sanitary expertise

O.E.Nematullaev – Effect of chlorella suspension on meat quality of broiler chickens 32

Summary of the year

List of scientific articles published in 2023 34

ХОНҚА: чорвадору ветврачлар фаол

Ташқари совук, аёз суякдан ўтади-я, қолаверса бензин, газ такчил, “заправка” ёпиқ, дея иссиққина печнинг ёнида ялпайиб ётадиган, дастурхонда нима бўлса поп-покиза туширадиган очофату дангаса кимга ёқади? Ҳеч кимга. Тонг отмасдан ўрнидан турган, ҳаракатга тушган банданинг насибасиyo даромадини Аллоҳнинг ўзи беради. Масалан, ветврачга. Унинг хизмати бугун қишлоқда яшаётган ҳаммага керак. Катта ферманинг эгаси ҳисобланган мулкдор ҳам, бор-йўғи бирикки бош моли ё қўйи бор одам ҳам ветврачнинг маслаҳатига маҳтал. Совукдан кўрқиб эски жомайикорини кийиб олган молбоқару чўпоннинг ёрдамчиси ҳам ҳайвонларни парвариш-лашда хўжайинга эмас, кўпроқ мутахассиснинг гапига кулоқ осади. Чунки ветврач топиб гапиради, ўринли танбех беради, мол касал бўлмасин, бузоқ ё кўзичоқ ўлмасин, дейди. Узинг нима есанг ундан кўпроғини молга бер, уни сийла, натижаси зўр бўлади, жонивор оч қолмасин, дейди. Бугун киш чилласида ветврач дегани ана шундай авлиёсифат одам. Бу касб эгалари ҳақида ёзмоқни истаб Хонқа туманида бўлдик. Чунки бугун бу гўшада аёз кутирган, совук – 20 градусдан баланд, фидойи мутахассислар эса иш кўплигидан уйини унутган.

Кейинги йилларда Хонқа тумани марказию қишлоқларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Кўчалар кенгайтирилиб, асфалтланди, маҳалла аҳлининг тўй-марака қиладиган ва барча қулайликлару хизматларни таклиф этадиган гўшалари, сарой-келбат жойлари ҳам кўпайиб қолди. Мухими, одамларнинг кайфияти баланд, ишнинг кўзини билган, чорвачиликка қўл урган кишиларнинг рўзғори тўкин. Туман ҳокими Мурод Сапарбоевич Давлатовнинг илгари Молия вазирлигида масъул лавозимда ишлагани, даромаду буромадни пухта билгани эл фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Бирор соҳа йўқки, ёшулнинг эътиборидан четда бўлсин. Айниқса, чорвачилик ҳокимликда энг муҳим соҳа, дея тез-тез тилга олинади. Яқинда туман ҳокимнинг ишонган мутахассиси Шохрух Собиров барча фермерларнинг рўйхатини қилиб, улар билан бирмалар учрашди ва таклифини айтди: “Хонқаликман деган фермер

ва Хонқанинг фахрига айланиб улгурган фермернинг ишхонасида бўлдик. Бундан роппа-роса 23 йил илгари собиқ колхознинг ташландиқ ҳолга келган товуқхонасини сотиб олган ва бугун росмана паррандачилик фабрикасига айлантираётган Муҳиддин оғанинг самарқандлик товуқбоқарлар билан ҳамкорлиги кутилганидек самара бермоқда. Гап Самарқанд туманидаги “Охалик ломанн” корхонасидан Муҳиддин оғага юборилаётган наслии жўжалар ҳақида бормоқда. Тўғри, бу



зотдор жўжалар киммат, аммо наслдорлиги ва маҳсулдорлиги кафолатли.

– Ишни бир ярим минг бош товуқ боқишдан бошлаганман. Дастлаб адашдик, хато қилдик, аммо ортга қайтмадик. Ветврачларнинг кўмаги, маслаҳати билан меҳнатимиз зое кетмади, йил сайин бойиб кетавердик. Айни чоғда паррандалар бош сони 20 минг бошдан ортиб кетди. Бундан ташқари, йилга 30 минг бошдан ортик бройлер жўжаларни ҳам семиртиряпмиз. Айни чоғда топган фойдамызу “Ўзсаноатқурилишбанк”дан олинган 125 минг АҚШ долларилик қарз ҳисобидан тўлиқ автоматлаштирилган товуқхона қуришни бошлаганмиз. Ҳадемай, бу бино ишга тушса, 30 минг бош наслии товуқларни боқишга ва тухум ишлаб чиқаришга киришамиз. Сифатли маҳсулотга бозорда доимо харидор бор. Мухими, бировни алдамасангиз, мутахассис гапини икки қилмай ишласангиз бас, – дейди Муҳиддин оға. – Аслида, ҳаммаси раҳматли отам Ҳайитбой бобонинг орзуси эди. У киши қурувчи бўлган, одамлардан кўмагини аямаган танти инсон эди. Доимо бизга яхшиликка йўлдош бўлинглар, қўлингдан келса, янги иш ўрни яратинглар, узокнинг ошидан қишлоқнинг ёлғони яхши дерди. Ана шу ўғитлару дуолар ижобат бўлиб, шу ишларга қўл урганмиз. Насиб этса, ишимизни келгусида мана шу набиралар давом эттиради-да.

Шохрух Собировнинг эътирофи этишича, туманда 12 та ветучастка мавжуд. Бу жойларда ишляётган мутахассисларни ишхонасидан топиш амри маҳол. Чунки бошқарма бошлигининг талабига кўра мутахассислар қишлоқ фаоллари билан ҳамкорликда хонадонма-хонадон юриб ишляпти. 4та ишчи гуруҳ ташкил этилган ва бу гуруҳларга 32 нафар ветеринария ходимлари жалб этилган ва улар орасида Фахриддин Қодиров сингари ёш мутахассислар ҳам бор.

Мадир қишлоғида ветучастка мудири Эркин Воисовни иш устида учратдик. Ветфельдшерлар Қаҳрамон Ражабов, Солижон Жуманиязовлар бир нечта сигирни кўздан кечиришди, уларни хавфли касалликларга қарши эмлашди ҳам. Мол эгасига керакли маслаҳатлар берилди.



бозорни тўкин қилишга ҳисса қўшиши керак, ер, сув, имкону имтиёзни давлат берапти, нега биз давлатнинг ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги сиёсатини қўллаб-қувватламаслигимиз керак?.. Агар эътироз бўлмаса ҳамма ўз имконига яраша дехқон бозорига, байрамолди савдога маҳсулотини олиб чиқсин, барибир ўз эҳтиёжингиздан ортиқчасини сотасиз-ку?..” Бу гапни барча қўллаб-қувватлади ва айни чоғда бу ташаббуснинг ҳузурини хонқалиқлару шу туманга келган меҳмонлар ҳам кўришмоқда.

Биз туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Каримбой Каримов билан Шохрух мактаган



Шундан сўнг ака-ука Акбар ва Азамат Йўлдошевларнинг фаолияти билан танишдик. “Мўминбой, Мусобек, Юсуфбой” фермер хўжалиги раҳбари Акбар сутни қайта ишлаш цехига бош- қош, Азамат эса гидропоника биносидagi жараёнларга бошлиқ. Хўжаликка қарашли фермадаги 250 бош қорамолнинг 170 боши соғилади ва жониворлар ана шу гидропоника усулида тўйимли озуқа тайёрланаётгани туфайли юкори сифатли ва кутилганидек сут бераётти.

– 18х6 метрлик бинони қуриб ичини иссиқ-совуқ ўтмайдиган қилиб жиҳозладик. Бугдой ўстиришни пешма-пеш ташкил этганмиз ва кунига бу жойдан бир ярим тонна озуқа чиқади. Биз мана шу бир ярим тонна майсага 10 боғдан беда ва сомонни майдаланган ҳолда қўшамиз ва яхшилаб аралаштирамиз. Бу озуқа ҳам таннархни камайтиради, ҳам маҳсулдорликни оширяпти, – дейди Азамат.

– Муҳими, бу ҳайвон организмни керакли витаминлар билан таъминлайди, уни касалликка чалинтирмайди ҳам. Фақат майса бижғиб қолмаслиги, моғорлаб кетмаслиги керак, – дея суҳбатга қўшилади Шохруҳбек.

– Биз шу усулни бошқа фермерларга ҳам тавсия этаймиз. Чунки эътибор беринг, 3 килодан сал кўпроқ бугдой 20 кило майсага айланмоқда. Буни хом-чўт қилинччи, тўйимли озуқанинг килоси неча пул бўлади, – дейди Каримбой оға. – Гидропоника кони фойда, фақат меҳнати кўпроқ холос.

– Шу бинони қуриш, ускуналар ўрнатиш учун қанча маблағ кетди, – сўраймиз фермердан.

– 160 миллион сўм. Сарфланган харажат бизнинг шароитда бир йилдаёқ оқланди. Агар бозорда бугдойнинг килоси уч ярим минг сўм эканлигини назарда тутсак ва уни ўстириш орқали



бугдой қарийб олти қарра арзон бўлишини эътиборга олсак, кўзга уйқу келмайди, чарчоқ нималигини билмай ишлайверасиз, – дейди Азамат жилмайиб.

– Қишлоқда яшаган ва билагида кучи бор одам чорва билан шуғулланса, албатта ночор яшамайди. Фақат қайси жониворни бокманг, ўзингиз турли касалликлардан бохабар бўлишингиз керак. Чунки қорамол бўладими, парранда бўладими, барчаси иссиқ жон, хасталикка чалиниши мумкин. Ана шундай маҳал бирор мутахассисни чақирсангизу тўғри ташхис қўя олмас, зарари сизга келади, – дейди Хонқа туманидаги Қирқёғ қишлоғида яшовчи фермер Хурсанд Усмонов. – Бундан тўрт йил илгари банкдан 430 миллион қарз олиб Германиядан 17 бош насли қорамоллар олиб келдим ва чорвани кўпайтиришга жиддий киришдим. Илгари зотдор мол бокмаганман, ҳар куни ветврачни чақириб тўғри келди, бора-бора ўзим ҳам мутахассисга айланиб қолдим. Ҳаёт ўргатар эканда. Айни чоғда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг кўмаги билан қорамоллар бош сонини 56 бошга етказдим. Сигирлар 32 бошдан ортиқ. Озуқа ерларимиз 12 гектар. Албатта бу кам, аммо умид қиляпмиз, чорва кўпайса ер ҳам беришади.

Хурсанд Усмоновнинг шоли тегирмони ҳам бор ва бу ускуна ҳам хўжаликка мўмайгина даромад келтирмоқда. Фермернинг туяқушлари ҳам бор, 10 бош. Уларнинг ярми тухум бераётти. Ҳар гал меҳмон келса Усмонов туяқушларини кўрсатади, бирга расмга тушадилар. Жониворлар ҳам спорт юлдузлари сингари расмга тушишга ўрганиб қолган, кўпам озуқа сўраб



шовкин солмайди, оғир-вазмин кўзғалади.

– Буларни кўпайтириш парваришга, эътиборга боғлиқ. Туяқушнинг боласи тухумдан чиққан маҳал жуда инжиқ бўлади, худди чақалокқа ўхшаб. Уни ўз фарзандингиздек авайлашингиз, ветврач маслаҳати билан улғайтиришингиз керак. Катта бўлгач кўпам сизни қийнамайди, урғочиси бир ярим килога борадиган катта тухум беради, – дейди фермер.

Шохруҳ Собиров ва Каримбой Каримовлар билан бир муддат туяқушларни томоша қилдик, одатга кўра расмга ҳам тушдик. Сўнг Шохруҳ шундай деди:

– Хонқа тумани туяқушлари билан ҳам машҳур бўлиши керак. Сиз ғайрат қилинг, жониворларни кўпайтиринг, уларни бошқа фермерларга ҳам тавсия этамиз. Агар иш юришиб кетса, туяқушчилик бўйича кластер ҳам ташкил этармиз. Чунки интернетда ўқиганман, туяқушнинг тухумидан тортиб патию тирноғи ҳам пул, чет элда харидори кўп. Ҳатто гўшти ҳам деликатес ҳисобланади. Бу фикрни туманимиз ҳокими албатта қўллаб-қувватлайдилар. Сиз эса хонқаликлар ҳақида журналда ёздингиз бўлсангиз албатта таъкидлаб қўйинг, туман ҳокими чорвадору ветврачлар хизматида таянган ҳолда аҳолини янада бой бўлишига имкон яратмоқда.

Абдунаби Алиқулов

МУҚОБИЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲОЛАТИ ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

(хорижий тажрибалар)

Сўнгги йилларда дунё дуч келган глобал муаммолар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бу, биринчи навбатда, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сайёра экологияси билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашиши, ҳароратнинг ошиши ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ.

Яқин вақтгача экологлар ва иқлимшунослар қишлоқ хўжалиги соҳасига унчалик қизиқмас эди. Энг катта зарарни саноат корхоналари, айниқса энергетика ва коммунал хизматлар кўрсатади, деб ҳисоблар эди. Қишлоқ хўжалиги сектори глобал иссиқхона газлари чиқиндиларидан кам бўлмаса-да, ишлаб чиқариш ҳажмини камайтирмасдан чиқиндиларни камайтириш техник жиҳатдан мумкин эмаслиги сабабли ушбу сектор четда қолди.

Тадқиқотларга кўра, қазиб олинadиган ёқилғиларнинг ёниши натижасида асосан карбонат ангидрид (CO_2), гўшт ишлаб чиқаришда эса метан (CO_4) ҳосил бўлади, унинг иссиқхона эффекти 23 баробар кучлироқдир. Кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг газ чиқиндилари метаннинг энг катта манбаи ҳисобланади. Ундан кейин шoliчилик соҳаси келади, бу ерда шoli далаларида сув остидаги микроблар метан чиқиндиларининг 20 фоизини ташкил этадиган газ ҳосил қилади.

Булар қатори қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ асосий иссиқхона газлари чиқиндилари азотли ўғитларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш натижасидир.

Иқлим ва экология билан боғлиқ кескин вазият, шунингдек, муқобил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлидаги илм-фан ютуқлари ушбу турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш масалаларини дадиллик билан кун тартибига қўймоқда.

Ушбу асрнинг бошидан олимлар уларни ҳал қилиш йўллариини излай бошлашди ва бугунги кунда амалиётга татбиқ этилган қатор ишланмалар мавжуд.

Анъанавий ҳайвон оқсиллиги муқобил бўлган ўсимлик гўшти аллақачон гўшт секторида инқилоб қилмоқда: Бу гўштининг таъми ва кўринишини тақлид қиладиган соя, ёки нўхат оқсили каби ўсимлик манбаларидан тайёрланган маҳсулот. Ушбу ихтиро сўнгги йилларда мол гўштини аста-секин четлатиб, жадал оммалашиб бормоқда. Кун тартибидаги навбатдаги маҳсулот сутдир.

Бу жараён истеъмолчиларнинг, айниқса, Ғарб мамлакатларида талабларнинг ўзгариши, асосан, атроф-муҳитга камроқ зарар етказадиган, ахлокий ва энг муҳими, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш хоҳиши билан боғлиқ.

Жумладан, бир килограмм мол гўшти ишлаб чиқаришда 60 килограмм карбонат ангидрид эквиваленти ажралиб чиқади, қўй гўшти эса 20 килограммдан ортиқ ишлаб чиқаради.

Соя оқсили бугунги кунда сунъий гўшт ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида кучли мавқега эга бўлишига қарамай, унинг истикболлари ноаниқ. Ва бу асосан қуйидаги ҳолатларга боғлиқ:

Биринчидан, сўнгги йилларда қатор етакчи мамлакатларда, хусусан, Бразилияда соя етиштиришни кенгайтиришга ўрмон майдонларини қисқартириш ва бу орқали сайёрамиз экологиясига жиддий зарар етказиш ҳисобига эришилди.

Иккинчидан, генетик модификациясиз ўсимлик маҳсулотлари талабга эга. Дунёда унинг етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири – АҚШ. Унинг 90% маҳсулоти ушбу тоифага тегишли.

Учинчидан, соя АҚШ озиқ-овқат ва фармацевтика идораси томонидан рўйхатга олинган энг асосий саккизта аллергиялардан биридир.

Юқоридаги омиллар (иккинчи омил мунозарали бўлиб қолмоқда) сунъий гўшт ишлаб чиқариш ва ўсимлик оқсиллининг муқобил манбаларини излашда соядан фойдаланишни янада кенгайтириш учун дунёнинг етакчи брендлари ўртасида ташвиш туғдирмоқда. Унинг ўрнини, эҳтимол, сариқ нўхатдан олинган протеин эгаллайди.

Халқаро таҳлил марказларининг фикрига кўра, нўхат оқсили қуйидаги сабабларга кўра ўсимлик гўшти учун афзал қилинган протеин манбаи бўлиши керак:

- нўхат оқсиллини ишлаб чиқариш камроқ ресурс, жумладан соя ишлаб чиқаришга қараганда камроқ сув, энергия ва ер талаб қилади.

- Шунинг учун у экологик жиҳатдан анча барқарор. Ми-сол учун, нўхат оқсили учун 1 кг протеин учун 3,2 минг литр сув керак бўлса соя оқсили учун - 5,9 минг литр;

- нўхат асосий аллергия эмас, шунинг учун уларни сояга қараганда кўпроқ одамлар истеъмол қилиши мумкин;

- генетик модификация билан ишлаб чиқарилмайди, бу эса унга талабни оширади;

- уни ишлаб чиқариш бошқа ўсимлик оқсилларига қараганда камроқ ўғит талаб қилади ва азотни табиий равишда тупроққа қайтариш қобилияти юқори. Тупроқ шунга яраша мос равишда у камроқ эрозияга учрайди.

Ушбу маҳсулотнинг келтирилган афзалликларини ҳисобга олган ҳолда сўнгги йилларда нўхат оқсиллини қайта ишлаш қувватини ошириш учун катта сармоялар киритилмоқда.

Юқорида қайд этилган йўналиш билан бир қаторда маданий гўшт саноатини яратиш бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Ўстирилган оқсил тўғридан-тўғри биоре-актордаги ҳужайраларда мушак ва ёғни шакллантириш учун зарур бўлган муҳим элементлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилади. Бу унинг сифатини ҳужайра даражасида оддий гўшт билан бир хилда бўлишини таъминлайди.

Маданий гўшт тарафдорлари уни анъанавий ишлаб чиқаришдан кўра экологик жиҳатдан қулайроқ ва камроқ зарар етказишини рўқач қилишади. Чунки анча кам жой, сув ва озуқа талаб қилади.

Бунга асос сифатида қуйидаги рақамларга эътибор қаратиш лозим. Дунёдаги барча қишлоқ хўжалиги ерла-

рининг 77 фоизи чорвачилик, шу жумладан яйловлар ва озукка ишлаб чиқариш учун экин майдонлари билан банд. Соядан етиштирилган гўшт ердан фойдаланишда оддий паррандачиликда гўшт етиштиришдан 60-300 фоиз, мол гўшти етиштиришдан эса 2000-4000 фоиз самарали ҳисобланади.

Сўйилган ҳайвонларнинг гўшtidан кўра маданий гўштни афзал кўрадиган ахлокий тарафдорлар сони ортиб бормоқда.

Бироқ бу йўналиш ҳали ривожланишнинг дастлабки босқичида. Ҳам техник, ҳам институционал масалаларни ҳал қилиш керак. Аммо жаҳон марказларининг башоратига кўра, яқин келажакда у юқори суръатга эга бўлади.

Ўсимлик гўшти аллақачон савдода мавжуд бўлиб, анъанавий маҳсулот истеъмолини аста-секин камайтириш имкониятини яратмоқда. Бу биринчи навбатда Ғарб мамлакатларига хосдир. Аммо унинг географияси кенгайиб бормоқда.

Яқин Шарқ ва Сингапурнинг айрим мамлакатлари ҳукуматлари озиқ-овқат саноати компанияларининг гўштсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилган сазй-ҳаракатларини молиялаштиришни бошлаганлар.

Бироқ уларни кенгроқ тарқатиш учун етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишни расмий ҳужжатларни қабул қилиш орқали тасдиқлаш талаб этилади. Бир қатор давлатлар бу ишни бошлади, Сингапур биринчи бўлиб 2020 йил декабрь ойида бунини амалга оширди.

Хитойда ҳам бу иш тизимли асосда амалга оширила бошланди. 2022 йил январь ойида Хитой Қишлоқ

хўжалиги вазирлиги соҳанинг беш йиллик ривожланиш режасини эълон қилди ва унда биринчи марта муқобил гўшт алоҳида қайд этилди. Мамлакатнинг Миллий табиий фанлар жамғармаси томонидан бир нечта муқобил протеин тадқиқот гуруҳларини молиялаштирилиши қайд этиди. Хитой Фан ва технология вазирлиги барқарор ривожланишга, шу жумладан гўшт етиштиришга қаратилган тадқиқот лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун махсус дастурни амалга оширмоқда.


Хитойнинг ушбу технологияни тан олиши ва қабул қилиши келажакда саноатнинг глобал ўсишининг калити бўлади ва саноатга катта сармояларни жалб қилади. Бу эса кенг кўламли ривожланишга ижобий таъсир қўсатади.

Шундай қилиб, илм-фан ва амалиётчиларнинг гўштнинг муқобил турларини ишлаб чиқариш борасидаги сазй-ҳаракатлари инсоният олдида турган бир қатор жиддий муаммоларни ҳал қилиш ва инсониятни барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга катта ҳисса қўшади.

Ўзбекистон ҳам бу жараёнлардан четда туриши керак эмас. Бу, биринчи навбатда, мамлакат қишлоқ хўжалиги ушбу ўсиб бораётган ишлаб чиқариш учун хом ашё етказиб берувчилардан бирига айланиши мумкинлигидадир. Келгусида аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ошиб борар экан, уни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ўз навбатда анъанавий сектор юқини сезиларли даражада енгиллаштиришдаги ўрнини ҳисобга олиш зарур.

Н. Юсупов,

иқтисод фанлари доктори



Тошкент вилояти. “Дўстлик” ветучастка мудири Умрбек Туманбаев камтар йигит, у яқинда бўлим бошлиғи лавозимига тайинланган Саидали Нисанқуловни ўзига устоз, деб билади. Шу боис бирор ишга қўл урмоқчимиз, албатта, Саидалидан маслаҳат сўрайди. Бошлиқ эса барча ветврачлар қатори Умрбекка ҳам ҳужжатларни тўғри юритинг, ҳар бир хонадонга кирганда қанча мол бор, қай бири эмлангану қайси бирини эмлаш керак, сунъий уруғлантирилган сигир қачон туғади, мушук ва итлар хонадон дафтарида қайд этилганми, барчасини ёзиб боринглар, дейди. Ана шу талабчанлик туфайли Юқори Чирчиқ туманида ветеринария осейишталиги таъминланмоқда. Туман маркази ҳисобланган Янгибозор деҳқон бозорида эса ВСЭЛ мудири Маҳмуд Бўронбоев ветлаборант Баян Қалдибаева билан биргаликда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга астойдил қиришган. Йил бошидан буён жами 141 тонна мол гўшти, 11 тонна қўй

гўшти ва 35 тоннадан зиёд товуқ гўшtidан ҳар куни намуналар олиниб, таҳлилдан ўтказилди. Текширилган намуналар орасида балиқ гўшти ҳам бор. Мутахассислар бозорга юқори сифатли маҳсулот келтирган кишиларга раҳмат айтишмоқда, яроқсиз маҳсулотлар эса эгасининг кўз ўнгида йўқ қилинмоқда. Маҳмуд Бўронбоевнинг ўз касбини пухта эгаллагани ҳамда ВСЭЛнинг замонавий ускуналар билан таъминлангани текширувлар натижаси бўйича эътирозга ўрин қолдирмаяпти.



УДК 576.895.122:598.2(470.22)

Ф.Д. Акрамова¹, У.А. Шакарбаев¹, А.А. Акбаров²,
Д.А. Палуаниязова³, Ж.К. Уббиниязова⁴, Ш.О. Саидова¹,
С.С. Халиков⁵, А.А. Сафаров², Д.А. Азимов¹,¹Институт Зоологии АН РУз, Ташкент,²Комитет ветеринарии и развития животноводства, Ташкент³Каракалпакский государственный университет, Нукус,⁴Каракалпакский государственный педагогический институт, Нукус,⁵Институт элементоорганических соединений РАН, Москва

ИСПЫТАНИЕ НОВЫХ КОМПОЗИЦИЙ СУПРАМОЛЕКУЛЯРНЫХ ПРЕПАРАТОВ ПРИ ГЕЛЬМИНТОЗАХ ЖИВОТНЫХ

Аннотация

Статья посвящена изучению эффективности супрамолекулярных комплексов празиквантела и фенбендазола против гельминтозов животных – шистосомоза, мониезиоза и парабронемоза.

Ключевые слова: гельминтозы, шистосомоз, мониезиоз, парабронемоз, празиквантел, фенбендазол, супрамолекулярные комплексы.

Annotation

The article is devoted to the study of the effectiveness of supramolecular complexes of praziquantel and fenbendazole against helminthiasis of animals – schistosomiasis, moniesiosis and parabronemosis.

Наличие в ассортименте высоко эффективных, общедоступных и удобных для применения антигельминтиков определяет успех дегельминтизации животных, которая является основным звеном в цепи противогельминтозных мероприятий (Демидов, 1987).

Одним из широко применяемых антигельминтиков для борьбы с гельминтозами животных являются препараты ивермектина, празиквантела, фенбендазола которые обладают гельминтоцидным действием.

Недостаткам этих препаратов – (празиквантел, фенбендазол) относятся низкая растворимость, плохая абсорбция слизистой оболочкой кишечника и, как следствие, плохая биодоступность и высокие дозы против гельминтозов животных (Варламова и др., 2019). Все это потребовало создание супрамолекулярной системы фенбендазола и празиквантела¹ с повышенной эффективностью с использованием механохимической технологии и адресной доставки (Варламова и др., 2016, 2019).

Испытание гельминтоцидной активности препаратов проводили на спонтанно зараженных овцах шистосомозом, мониезиозом и парабронемозом в овцеводческих хозяйствах Кунградского и Бозатовского районов Республики Каракалпакстан. Опыты проводили в осенне – зимние периоды 2022-2023 гг. с участием научных сотрудников лаборатории Общей паразитологии Института Зоологии АН РУз, ветеринарных специалистов Каракалпакстана.

Эффективность супрамолекулярных комплексов празиквантела против шистосомоза овец.

Празиквантел (азинокс, бильтрицид, дронтал, дронцит) является наиболее широко применяемым антигельминтным средством в списке ВОЗ и основным препаратом для лечения людей и животных при описторхозе, клонорхозе, шистосомозе, эхинококкозе, цистицеркозе, гименолепидозе и других кишечных цестодозах (ВОЗ, 2018).

Празиквантел высокоэффективен при шистосомозе (*Schistosoma turkestanicum*) животных и согласно (Азимов и др., 2019) он вызывает различного рода дистрофии органов и тканей *Sch. turkestanicum*, а также необратимые дегенеративные изменения самцов и самок трематоды. Эти процессы начинаются через 24 – 48 ч после применения препарата и через 72 ч, шистосомы в сосудах брыжейки обретают формы гомогенной массы. Однако для лечения овец и крупного рогатого скота при шистосомозе необходимы большие дозы ПЗК (25–50 мг/кг). Препарат достаточно дорогой, что ограничивает широкое применение этого антигельминтика. Недостаточная эффективность празиквантела (ПЗК) при ряде гельминтозов, включая шистосомоз и описторхоз, обусловлена низкой растворимостью и быстрым метаболизмом в печени с образованием неактивных соединений. Поэтому препарат применяют в повышенной дозе и несколькими повторностями для достижения максимальной эффективности.

Для увеличения растворимости и биодоступности ПЗК использовалась механохимическая модификация субстанции с помощью ПВП, динатриевой солью глицирризиновой кислоты ($\text{Na}_2\text{ГК}$) и диоктилсульфосукцинатом натрия (ДСН). Так, применяя ПВП и ДСН удалось повысить растворимость ПЗК (более чем в 10 раз) и увеличить антигельминтную активность в отношении цестод *Hymenolepis nana* и *Moniezia expansa* лабораторной модели и овцах, спонтанно зараженных этими гельминтами (Варламова и др., 2020). Твердая дисперсия ПЗК с $\text{Na}_2\text{ГК}$, полученная при их совместной обработке, в воде образовывала мицеллярные системы, которые на модели описторхоза, вызванного *Opisthorchis felinus*, выявили повышение растворимости в 3,5 раз, биодоступности в 3 раза и антигельминтной активности ПЗК 4–11 раз в по сравнению с официальным празиквантелом. Расширяя исследования ТД состава ПЗК: $\text{Na}_2\text{ГК}$ (1:10) было установлено, что:

– она представляет собой тонко-диспергированный порошок со средним размером частиц 5-10 мкм (Meteleva et al., 2019; Arkhipov et al., 2020).

¹Супрамолекулярные препараты представлены нам д.б.н. С.С. Халиковым (Институт элементоорганических соединений РАН).

- при совместной обработке с $\text{Na}_2\text{ГК}$, ПЗК существенно теряет кристалличность, превращаясь в аморфное вещество, которое легко включается в мицеллярную систему с глицерризиновой кислоты. Она обладает высокой антигельминтной эффективностью в сниженной дозе, а именно, в дозах 1,0; 2,0 и 3,0 мг/кг она проявляет эффективность равную 98,2; 99,9 и 100% против *M. exrapsa* овцев, тогда как исходный ПЗК в дозу 1,0 мг/кг проявил эффективность, равную – 35,5%.

Экстракт солодки (ЭС), содержащий в своем составе не менее 25% глицерризиновой кислоты (ГК), был эффективно использован в качестве полимерного вещества для механохимической модификации различных бензимидазольных субстанций. Учитывая способность ГК и ее производных взаимодействовать с липидными компонентами биологических мембран и, тем самым, влиять на проникновение лекарственных веществ (Selyutina et al., 2014) в ряде работ была показана перспективность получать твердые дисперсии антигельминтных препаратов с ГК и ее производными. Полученная методом механохимии ТД состава АБЗ: ЭС (1:9) обладала повышенной растворимостью и в экспериментах на овцах, естественно инвазированных стронгилятами пищеварительного тракта и мониезиями, было показано, что ТД в дозе 2,0 мг/кг эффективна против *Nematodirus* spp. на 90,1–91,7%, против других видов желудочно-кишечных стронгил на 89,5–92,4%, против *Moniezia expansa* эффективность составила 98,6–100%, что в 4–5 раз превышает активность исходного АБЗ (Варламова и др., 2020).

Высокую эффективность также проявила ТД на основе фенбендазола с ЭС и ДСН (Varlamova et al., 2021), для которой была изучена антигельминтная активность и метаболизм у овец. Физико-химические исследования ТД подтвердили его улучшенную растворимость и то, что его метаболиты демонстрируют повышенную абсорбцию в кровотоке. Более высокая активность была ТД связана с его повышенной растворимостью и улучшенной абсорбцией в организме животного.

Продолжая исследования по механохимической модификации субстанции ПЗК, исследованы процессы совместной обработки субстанции ПЗК с ПВП, арабиногалактаном (АГ) и ЭС с добавлением эмульгатора ДСН, который способствовал увеличению растворимости и повышению антигельминтной активности против цестод ТД на основе ПЗК и ПВП (Варламова и др., 2020). Полученные при этом ТД составов ПЗК:ПВП (10:90), ПЗК:ПВП:ДСН (10:89:1), ПЗК:АГ:ДСН (10:89:1) и ПЗК:ЭС:ДСН (10:89:1) обладали повышенной растворимостью (до 15 раз) и образовывали стабильные суспен-

зии при растворении в воде, что предполагало и их высокую антигельминтную активность.

Учитывая данные по высокой эффективности препаратов на основе празиквантела, полученных методами механохимии, представляло научный и практический интерес получения новых композиций на основе ПЗК и изучения их на спонтанно зараженных шистосомами (*Schistosoma turkestanicum*) овцах.

Для получения композиций ПЗК были применены следующие вещества и материалы:

- Празиквантел [2-(циклогексилкарбонил) - 1,2,3,6,7,11b-гексагидро - 4Н - пиразино [2,1 - a] изохинолин - 4 - он] – белый кристаллический порошок с содержанием 98,5% о.в. Производство Shanghai Joiaiyi Pharmaceutical Co., Ltd. (China, Китай).

- Поливинилпирролидон (ПВП) – 1 этенилпирролидин-2-он марки К-30. Производитель Boai NKY Pharmaceuticals Ltd. (КНР). Серия P160828002-0.

- Арабиногалактан (АГ) марки «Левитол-арабиногалактан» ТУ 9325-008-70692152-08. Производитель – АО «Аметис» (Россия, Благовещенск).

- Экстракт солодки (ЭС) – сухой мелкодисперсный порошок темно-коричневого цвета с содержанием 24,9% ГК производства ООО «Вистерра», Алтайский край (Декларация соответствия TCN RU Д-РУ.АФ96.В.00958).

- диоктилсульфосукцина натрия (ДСН) с содержанием основного вещества 96% (AcrasOrganics, Нью-Джерси, США) – мелкодисперсный, гигроскопичный порошок со слегка горьким, мыльным вкусом и запахом октанола. В РФ разрешено его использование в качестве эмульгатора и детергента.

Твердые дисперсии ПЗК с полимерами и СН были получены по методике, описанной ранее. Растворимость полученных ТД определяли путем их растворения в воде и определения концентрации ПЗК методом ВЭЖХ при 360 нм.

Опыты по испытанию препаратов проводили на спонтанно зараженных животных шистосомами, возбудителями шистосомоза, овец по общепринятым методам (Котельников, 1974; Демидов, 1987).

Результаты опытов статистически обрабатывали с использованием среднего геометрического числа шистосом для сравнения различий между экспериментальной и контрольной группами. Для статистического анализа результатов исследования использовали SAS/Stat (версия 9.4).

Полученные по механохимической технологии композиции ПЗК в виде ТД анализировали на изменение растворимости. Результаты исследования представлены в таблице 1.

Таблица 1.

Растворимость твердых дисперсий (ТД) празиквантела в воде.
Погрешность анализа $\pm 3\%$

Состав образцов ТД, полученных после 4 ч механообработки	Растворимость в воде, мг/л	Увеличение растворимости, раз
Исходный ПЗК, без механообработки	400,0	-
ТД состава ПЗК:ПВП (10:90)	3195,0	8
ТД состава ПЗК:ПВП:СН (10:89:1)	5211,0	13
ТД состава ПЗК:АГ:СН (10:89:1)	4397,0	11
ТД состава ПЗК:ЭС:СН (10:89:1)	5989,0	15

Анализ данных таблицы 1 подтвердил увеличение растворимости ПЗК в полученных композициях, что предполагало соответствующее повышение антигельминтной активности.

Антигельминтную активность полученных композиций празиквантела в отношении шистосомы (*Schistosoma turkestanicum*) изучали в фермерских хозяйствах Бозатау-ского района Республики Каракалпакстан на молодняке овец каракульской породы (массой от 25 до 35 кг) в течение зимнего периода (декабрь 2022 года и январь – февраль 2023 года). Животные во время опыта содержались в стойлах (табл. 2).

Опыты проводили на 132 особях каракульских овец, из которых сформировали опытные и контрольные группы. Животным опытных групп задавали однократно перорально композиции ПЗК в дозах 1.0, 2.0 и 3.0 мг/кг ж.м. Контрольным группам животных препарат не задавался. Овцы опытных групп состояли из 114 особей; число животных каждой группы состояло в пределах – 21 – 24 ос.

Для определения зараженности овец шистосомами (*Schistosoma turkestanicum*) пробы фекалий исследовали общепринятым методом последовательных промываний с учетом количества яиц шистосом в 1 г фекалий для распределения животных по группам.

Эффективность препаратов определяли по результатам исследования убойных животных методом полного гельминтологического вскрытия животных и их отдельных органов – печени и сосудов брыжейки, где, как правило, концентрируются зрелые шистосомы.

Овец, больных шистосомозом, разделили на шесть равноценных групп с учетом количества яиц шистосом в 1 г фекалий. Полученные ТД празиквантела задавали овцам опытных групп в рекомендованных дозах 1.0, 2.0 и 3.0 мг/кг с водой. Животные 6-ой группы получали субстанцию празиквантела. Овцам контрольной (1) группы препарат не задавался.

Эффективность препаратов в отношении *Schistosoma*

turkestanicum устанавливали на 10 и 13 – е сутки после введения по результатам гельминтологических вскрытий печени и сосудов брыжейки опытных и контрольных групп животных. Данные испытаний представлены в таблице 2.

Анализ данных таблицы 2 подтвердил высокую эффективность полученных композиций празиквантела в виде ТД с полимерами и эмульгатором. При испытаниях на овцах установлена 100% эффективность композиций против *Schistosoma turkestanicum* в дозах 2 и 3 мг/кг. Доза 1 мг/кг оказалась менее эффективной 50.0 – 74.9%. У овец, не освободившись от инвазии группам, *Schistosoma turkestanicum* находили в печени и сосудах брыжейки в количестве (в среднем) от 48±0.21 до 84±0.34 экз. При вскрытии животных, после введения композиций в дозе 1 мг/кг во всех дегельминтизированных группах обнаружено достоверно меньшее количество шистосом, по сравнению с контрольной группой. Субстанция празиквантела в дозе 1 мг/кг оказалась недостаточно эффективным (25.5%) в отношении *Schistosoma turkestanicum*. В печени и в сосудах брыжейки контрольных овец было обнаружено в среднем 386 экз. шистосом, состоящие из самцов и самок. При проведении опытов дегенеративные процессы тегумента *Sch. turkestanicum* значительно ускорялись. Уже по истечению 16 – 18 часов после применения препаратов, наблюдали гомогенную массу шистосом в венозных сосудах брыжейки опытных овец.

Учитывая, что шистосомоз является острой и хронической паразитарной болезнью, вызываемой кровяными сосальщиками (трематодными червями) из рода *Schistosoma*, наиболее перспективным в решении проблемы борьбы с этими паразитами является дегельминтизация зараженных животных. Поэтому, разработанные композиции ПЗК и их низкие дозы, вероятно, будут способствовать широкому использованию в ветеринарной и медицинской практике по борьбе и профилактике шистосомозов животных и человека.

Таблица 2.

Эффективность композиций празиквантела в виде твердых дисперсий с полимерами и эмульгатора (СН) при шистосомозе овец

№	Вариант	Доза, мг/кг	Средняя доза на 1 голову овец, мг/кг	Подопытные овцы	Освободились от инвазии	Обнаружено шистосом после дегельминтизации, М±m	ЭЭ, %	ИЭ, %
1	Контроль	–	–	8	–	386±1.5	–	–
2	ПЗК:ПВП	3.0	88,1	8	8	–	100.0	100.0
		2.0	59,7	7	7	–	100.0	100.0
		1.0	31,0	8	4	48±0.21	50.0	87.6
3	ПЗК:ПВП:СН	3.0	91,3	7	7	–	100.0	100.0
		2.0	58,3	7	7	–	100.0	100.0
		1.0	29,9	8	6	56±0.23	75.0	85.5
4	ПЗК:АГ:СН	3.0	90,8	8	8	–	100.0	100.0
		2.0	58	8	8	–	100.0	100.0
		1.0	30,8	8	5	72±0.29	62.5	81.4
5	ПЗК:ЭС:СН	3.0	90,0	7	7	–	100.0	100.0
		2.0	60,3	7	7	–	100.0	100.0
		1.0	30,0	7	4	84±0.34	50.0	78.3
6	Субстанция ПЗК	3.0	93,0	8	8	–	100.0	100.0
		2.0	61,3	8	6	69±0.28	75.0	82.2

Таблица 3.

**Эффективность супрамолекулярных комплексов фенбендазола
при мониезиозе и парабронемозе овец**

Препарат	Доза, мг/кг	Число овец		Эффективность, %
		в опыте, гол.	освободилось от инвазий гол.	
Мониезиоз				
ФБЗ 10%:АГ:ПВП=1:4,5:4,5	3.0	8	8	100
	2.0	8	7	87,5
	1.0	8	3	37,5
Фенбендазол субстанция	3.0	8	2	25,0
Контроль	—	6	0	—
Парабронемоз				
ФБЗ 10%:АГ:ПВП=1:4,5:4,5	3.0	7	7	100
	2.0	7	6	85,7
	1.0	7	3	42,8
Фенбендазол субстанция	3.0	8	3	37,5
ФБЗ 20%:ЭС=1,4	3.0	8	7	87,5
Контроль	—	6	0	—

В системе ветеринарных мероприятий особое внимание уделяется усовершенствованию методов терапии и профилактики шистосомоза, благодаря чему достигается предохранение заражения животных. Для районов с широким распространением шистосомоза овец и крупного рогатого скота, ранее [9, 10, 11, 12] предлагалось празиквантел в дозе 25 мг/кг ж.м. однократно. Данная доза оказалась высоко эффективным для лечения шистосомоза животных. Однако, высокая стоимость препятствовала широкому использованию препарата, что диктовало поиск путей снижения дозировки празиквантела для дегельминтизации животных и при шистосомозе. В этом контексте, предлагаемые препараты, основанные на механохимической обработке, способствовали значительному снижению дозировки (с 25 мг/кг до 2-3 мг/кг) и сохранению их высокой эффективности для профилактики шистосомоза животных, о чем свидетельствуют результаты наших исследований.

Эффективность супрамолекулярных комплексов фенбендазола против гельминтозов овец.

Гельминтозы животных широко распространены в Каракалпакстане и в других регионах Узбекистана и причиняют большой экономический ущерб животноводству вследствие снижения всех видов продуктивности, отставания в росте и развития молодняка и гибели животных (овец, коз и крупного рогатого скота).

Предложены целый ряд антигельминтозами для борьбы с гельминтозами сельскохозяйственных и промысловых животных. Одним из широко применяемых антигельминтиков является фенбендазол (панакур, фебтал, фенкур), который, в основном, обладает нематоцидным действием (Архипов, 2009; Варламова, 2017). Применяют перорально с кормом в дозе 5мг/кг овцам, молодняку крупного рогатого скота в дозе 10 мг/кг.

Недостатком этого препарата является низкая растворимость и высокие дозы против гельминтозов животных. Поэтому были созданы супрамолекулярные комплексы фенбендазола с повышенной эффективностью с использованием механохимической технологии (Варламова, 2017).

Изучение гелминтоцидной активности супрамолекулярных препаратов фенбендазола проводили на овцах, зараженных мониезиозом, парабронемозом и др.

Эффективность препаратов учитывали по результатам гелминтологического вскрытия кишечника и сычуга убойных животных (опытных и контрольных групп).

Антигельминтную активность супрамолекулярных комплексов фенбендазола (СМКФ), изучали в овцеводческих хозяйствах Каракалпакстана. В опытах использовали 81 голов овец каракульской породы разных возрастов массой тела от 26 до 38 кг, из которых спонтанно зараженных мониезиями – 38 голов, парабронемами – 43 голов. При каждом гелминтозе животных по принципу аналогов разделяли на равноценных групп по 6 -8 овец в каждой (табл. 3).

Результаты проведенных испытаний супрамолекулярных комплексов фенбендазола при цестодозах и нематодозах овец показали следующие.

Мониезиоз овец. При испытании СМКФ в дозах 1.0, 2.0 и 3.0 мг/кг по действующим веществом (ДВ) наиболее максимальной оказалась эффективность препарата фенбендазола с арабиногалактана и поливинилпирролидоном в дозе 3 мг/кг препарат в этой дозе показал 100%-ный эффект при спонтанном мониезиозе овец (*Moniezia expansa* (Rudolphi, 1810), *M. benedenii* (Moniez, 1879)). Эффективность этого комплекса фенбендазола в дозе 2.0 мг/кг составила 87,5%. В испытанной дозе 3.0 мг/кг эффективность субстанции фенбендазола оказалась – 25% (табл. 3). Отмечено значительное повышение эффективности супрамолекулярных комплексов фенбендазола по сравнению с субстанцией препарата.

Парабронемоз овец. Супрамолекулярные комплексы фенбендазола в дозах 1.0, 2.0 и 3.0 мг/кг проявили, соответственно 42,8, 85,7 и 100 – ную эффективность против возбудителя парабронемоза (*Parabronemaskrjabini* Rassowska, 1924). Овец полностью освободились от парабронем при дозе 3.0 мг/кг. Эффективность фенбендазола 20% с экстрактом солодки (ЭС) в наших опытах составила – 87,5%, т.е. из 8 зараженных парабронемами овец, освободились от инвазий – 7 гол.

Эффективность субстанции фенбендазола составила в дозе 3.0 мг/кг – 37,5%.

Известно, что препараты фенбендазола рекомендованы для дегельминтизации овец при желудочнокишечных нематодозах и мониезиоза в дозе 68 мг/кг живой массы животных (Якубовский, 2005). Эффективной дозой супрамолекулярных комплексов при мониезиозе и парабронемозе оказалась значительно меньше (3.0 мг/кг!), что повышает доступность и экономическую эффективность препаратов СМКФ.

Таким образом, эффективность супрамолекулярных комплексов фенбендазола при мониезиозе и парабронемозе в дозах 2.0 и 3.0 мг/кг оказалась достаточно высокой, что дает основание рекомендовать СМКФ для широкого применения в овцеводческих хозяйствах, для профилактики инвазий в современных условиях Каракалпакстана.

Литература:

1. Азимов Д.А. Акрамова Ф.Д. Шакарбоев Э.Б., Норкobilов Б.Т., Шакарбаев У.А., Сайиткулов Б.С. Шистосомоз животных. Ташкент: Фан, 2019, 320 с.
2. Архипов И.А. Антигельминтики: фармакология и применение. – Москва: РАСХН, 2009. – 406 с.
3. Варламова А.И., Лимова Ю.В., Садов К.М., Садова А.К., Белова Е.Е., Радионов А.В., Халиков С.С., Чистяченко Ю.С., Душкин А.В., Скира В.Н., Архипов И.А. Эффективность супрамолекулярного комплекса фенбендазола при нематодозах овец. // Российский паразитологический журнал. – М., 2016. – Т.35. – Вып. 1. – С 76-81.
4. Варламова А.И. Антигельминтная эффективность супрамолекулярного комплекса фенбендазола при нематодозах молодняка крупного рогатого скота // Ветеринария. 2017. № 1. С. 32–35.
5. Варламова А.И., Архипов И.А., Халиков С.С., Садов К.М. Эффективность фенбендазола на основе наноразмерной супрамолекулярной системы доставки с поливинилпирроли-

доном и диоктилсульфосукцинатом натрия при гельминтозах // Российский паразитологический журнал. 2019. – Т.13(1). – С. 56-63.

6. Варламова А.И., Архипов И.А., Халиков С.С., Садов К.М., Дегтяревская Т.Ю. Повышение эффективности празиквантела на основе механической технологии и супрамолекулярной системы адресной доставки при цестодозах // Хим-Фарм. журнал, 2020, том 54, №10, –С.60-64.
7. World Health Organization, WHO Model List of Essential Medicines, twentiethed. 2017 <http://www.who.int/medicines/publications/essentialmedicines/en/>, Accessed 20 March 2018.
8. Демидов Н.В. Гельминтозы животных. Справочник. –М.: «Агропромиздат», 1987. – 157 с.
9. Котельников, Г.А. Гельминтологические исследования животных и окружающей среды. –М.: Колос, 1984, 208 с.
10. Якубовский М.В. Современные препараты для лечения и профилактики паразитарных болезней крупного рогатого скота (Рекомендации). –Минск, 2005. –46 с.
11. Arkhipov I., Khalikov S., Dushkin A., Sadov K., Meteleva E., Arisov M., Varlamova A. Anthelmintic Efficacy of Supramolecular Complex of Praziquantel Obtained by Mechanochemical Technology // Iran J Parasitol., 2020, 15 (3): 364-373.
12. Meteleva E.S., Chistyachenko Y.S., Suntsova L.P., Dushkin A.V., Lyakhov N.Z., Khvostov M.V., Polyakov N.E., Selyutina O.Y., Tolstikova T.G., Frolova T.S., Mordvinov V.A. Disodium salt of glycyrrhizic acid – A novel supramolecular delivery system for anthelmintic drug praziquantel. J Drug Deliv. Sci. Techn. 2019. 50, –P. 66–77.
13. Selyutina O.Y., Polyakov N.E., Korneev D.V., Zaitsev B.N. Influence of glycyrrhizin on permeability and elasticity of cell membrane: perspectives for drugs delivery. Drug Deliv. 2014. 23(3), 858–865.
14. Varlamova A.I., Kotchetkov P.P., Arkhipov I.A., Khalikov S.S., Arisov M.V., Abramov V.E. Pharmacokinetic profile, tissue residue depletion and the anthelmintic efficacy of supramolecular fenbendazole // Inter. J. of Pharm., 2021, 607, 120957.

ҚУТЛОВ

ЭЪТИБОРУ ЭЪТИРОФ



Sigirlarning tug'ishi uchun toza, dezinfeksiya va oqlash-

dan keyin qalin to'shamalar solingan xonalarda amalga oshiriladi. Tug'ruqxonalarda doimiy navbatchilik tashkil etiladi. Tug'ish boshlanishi bilan navbatchi sigirning tashqi a'zolariga dezinfeksiyalovchi eritmalar (furasilin yoki xloramin) bilan ishlov berish lozim.

Sigirlarda bachadon bo'yining ochilishi va homilaning chiqarilishi 20 soatga yaqin vaqt davom etadi. Bu paytda sigir bezovtalanadi, ingraydi. Jinsiy tirqishdan homila pardalari bo'rtib chiqib turadi. Homilaning chiqarilishi uchun 30 daqiqadan 4 soatgacha vaqt talab etiladi. Homilaning tashqariga chiqarilishi kechikkan paytlarda homila pozitsiyasi, tug'ish yo'llariga kirib kelishi, joylashishi yoki a'zolarining o'z o'qiga nisbatan noto'g'ri joylashishida shoshilinch akusherlik yordami ko'rsatilishi kerak. Bu paytda aseptika, antiseptika va tug'ishga yordamlashish tamoyillariga amal qilish lozim.

Sigirlar tug'ish jarayonlarining kechishi xarakteriga ko'ra uch guruhga ajratiladi. Birinchi guruhga tug'ish me'yorida kechgan sigirlar ajratilib, loxiy suyuqligining ajralishi, shishlarning yo'qolishi, tashqi jinsiy a'zolar va sut bezlarining holatiga e'tibor qaratiladi.

Jinsiy a'zolar involyusiyasini tezlashtirish maqsadida tug'ishdan keyingi 3-4 kundan boshlab faol masion tashkil etish lozim.

Ikkinchi guruhga tug'ish patologik kechgan, masalan, homilaning chiqarilishi uzoq davom etgan, homila yo'ldoshi 6-8 soatdan keyin ham ushlanib qolgan sigirlar kiradi. Bu guruhdagi sigirlar bachadoni to'g'ri ichak orqali massaj qilinadi, bachadon qisqarishini kuchaytiruvchi preparatlar (pituirrin, oksitosin, prozerin va b.) vena qon tomiri orqali 40% li glyukoza eritmasidan yuboriladi, osh tuzining 5% li eritmasidan 10 litrgacha yoki 5% li qand eritmasidan 10 litrgacha ichiriladi, homila oldi suyuqligidan 5 litrgacha ichirish mumkin. Tug'ishdan 5-6 soatdan keyin bachadon bo'shlig'iga antimikrob yoki yallig'lanishga qarshi preparatlar yuboriladi.

Uchinchi guruhga tug'ish va tug'ishdan keyingi davrda asoratlar (homilaning noto'g'ri joylashishi, pozitsiyasi va homila a'zolarining o'z o'qiga nisbatan noto'g'ri joylashishi, majruhliklari, bachadonning chiqishi, homila yo'ldoshini ushlanib qolishi) kuzatilgan va akusherlik yordami ko'rsatilgan sigirlar kiritilib, ularga kerakli akusherlik yordami ko'rsatiladi. Organizmning umumiy tonusini oshiruvchi va bachadon bo'shlig'iga furapen, yodopen, septimetrin, ekzuter, metromaks kabi miotrop preparatlar tavsiyanomasiga asosan qo'llaniladi. Tug'ishdan keyingi 3-4 kundan boshlab, faol yayratish va bachadonni to'g'ri ichak orqali har kuni 5-10 daqiqa davomida massaj qilish tavsiya etiladi.

Ushbu hayvonlar tug'ruqxonadan chiqarilishida jinsiy a'zolar va sut bezlarining holati tekshiriladi.

Dastlabki akusher-ginekologik dispanserlash tuqqandan keyingi 7-8-, 14-15- kunlari o'tkazilib, ko'payish a'zolarida involyusion jarayonlarning kechishi nazorat qilinadi va ular kasalliklarining oldi olinadi. Sigirlarda shu ko'rsatilgan muddatlarda jinsiy a'zolar tekshirilib, talab etilganda qon olinadi va jinsiy a'zolaridan ajralayotgan suyuqliklardan namunalar olinib, biokimyoviy, bakteriologik va boshqa tekshirishlar o'tkaziladi. Jinsiy a'zolarida yallig'lanish jarayonlari rivojlanayotganligi yoki yo'qligi tasdiqlanadi. Kasalligi aniqlangan hayvonlar alohida joylarga ajratilib, kerakli davolash muolajalari o'tkaziladi. Sog'lom hayvonlarda bo'g'ozlik paytida yoki tug'ish jarayonida hosil bo'lgan o'zgarishlar tuqqandan keyingi 30 kun ichida yo'qolib ketadi. Tuqqandan keyingi

davrda sigirlarni saqlashda zoogigiyenik qoidalarga rioya qilinishi va me'yorlashtirilgan rasionlarda boqilishi nafaqat ularda sut mahsuldorligini oshirish, balki jinsiy siklning paydo bo'lishi va nospesifik immunitetni oshirishda ham katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Ko'pincha tuqqandan keyingi davrda bachadonning subinvolyusiyasi, endometritlar, mastitlar kabi kasalliklar rivojlanishi mumkin. Ular tuqqandan keyingi davrdan keyin ham kuzatilishi mumkin bo'lib, joriy akusher-ginekologik dispanserlash davomida aniqlanishi mumkin.

Joriy ginekologik dispanserlash har oyning oxirgi kunlarida o'tkaziladi. Bu dispanserlashda mutaxassislar va chorvadorlar tomonidan yaqin muddatlarda podani qayta to'ldirish bo'yicha qo'yilgan aniq topshiriqlarni bajarish nazarda tutiladi. Bunda ferma, brigada, ishlab chiqarish uchastkasi, sut-tovar kompleksi va butun xo'jalik kesimida tekshirilayotgan kundagi podani qayta to'ldirishning holati batafsil tahlil qilinadi. To'g'ri ichak orqali sigirlarning qisir-bo'g'ozligi aniqlanib, urug'lantirilgandan 2-3 oydan keyin urug'lanma-gan hayvonlarda bepustlik sabablari o'rganiladi.

Katta chorvachilik fermalarida 10-20% sigir va g'unajinlar to'liq klinik tekshirishlardan o'tkaziladi, 10-20% hayvonlarda siydik, 5% ida qon, sut tekshiriladi, siydikda keton tanachalari aniqlanadi.

Xo'jalikdagi sigirlar bo'g'ozligi har oyda bir marta to'g'ri ichak orqali tekshiriladi. Bunda urug'lantirilgandan keyin 2-2,5 oy muddat o'tgan sigir va tanalar tekshiriladi. Keyingi paytlarda xo'jaliklarda UTT apparatidan foydalanilib, bu usul bo'g'ozlikni 1 oylikdan boshlab aniqlash imkonini beradi.

Har oyda veterinariya mutaxassisi (yoki vetvrach-ginekolog) bepust sigirlarni klinik-ginekologik tekshirishdan o'tkazadi:

- tuqqandan bir oydan keyin kuyga kelmagan sigirlar;
- ikki marta urug'lantirilganda ham bo'g'oz bo'lmagan sigirlar;
- fiziologik yetilgandan keyin bir oy davomida urug'lanmagan tanalar.

Akusher-ginekologik dispanserlashning muhim jihatlari-dan biri yallig'lanish va funksional xarakterdagi ginekologik kasalliklarni ularning boshlang'ich bosqichlarida aniqlashga va talab etilgan davolash muolajalarini bajarishga imkoniyat yaratilishidir.

Bepust sigir va urug'lantirish yoshidagi tanalarni klinik-ginekologik tekshirishlar quyidagilardan iborat bo'ladi:

- jinsiy organlarni tashqi ko'rikdan o'tkazish;
- qin orqali tekshirish;
- to'g'ri ichak orqali bachadonni, tuxum yo'llari va tuxumdonlarni paypaslab tekshirish.

Tuqqandan keyin 30-45 kundan keyin kuyga kelmagan va bir necha marta urug'lantirilishiga qaramasdan otalanish kuzatilmagan sigirlar to'liq klinik va ginekologik tekshirishlardan o'tkazilib, bepustligi sababi aniqlanadi va davolash muolajasi olib boriladi. Ko'payish a'zolarida patologik o'zgarishlar kuzatilmaganda, oziqlantirishni kuchaytirish va stimullovchi usullardan foydalaniladi, avvaliga bachadon tonusini oshiruvchi, keyinchalik, tuxumdonlar funksiyalarini faollashtiruvchi preparatlar qo'llaniladi. Bu maqsadda to'g'ri ichak orqali bachadon va tuxumdonlar har 2-3 kunda bir marta 5-7 daqiqa davomida massaj qilinadi. Haftasiga bir marta V.P.Filatov usulida tayyorlangan to'qima preparatla-

ridan 20-30 ml, vitaminlarning preparatlari, 7% li ixtiol eritmasi har 2 kunda bir marta muskul orasiga inyeksiya qilindi. Prostaglandinlar qatoriga mansub preparatlarni qo'llash yaxshi stimullovchi samara berishi mumkin, ular 11-12 kunlik tanaffus bilan ikki marta qo'llanadi; ikkinchi laktasiya davridagi yangi tuqqan sigirdan sog'ib olingan uviz sutidan 30 ml yoki 150 ml fiziologik eritmadagi tovuq tuxumi oqsili va sariqligi gomogen aralashmasidan 20-25 ml teri ostiga yuboriladi. Lekin ko'payish a'zolarida patologik o'zgarishlar qayd etilganda va hayvonning semizligi o'rtadan past bo'lganda stimullovchi vositalarni qo'llash tavsiya etilmaydi [9].

Sun'iy urug'lantirish jinsiy moyillik vaqtida, ya'ni ovulyasiyadan oldin, uning boshlanishiga yaqin o'tkazilsa, samarasi yuqori bo'ladi. Tuqqandan so'ng sigirlarni bir oy ichida urug'lantirish ularning qisir qolishining oldini olishda asosiy tadbirlardan biri hisoblanadi. Sigirni bu davrda urug'lantirish uning organizmini mustahkamlaydi, sut berish davrida organizm kuchli zo'riqishiga yo'l qo'ymaydi va har yili 100 bosh sigirdan 100 bosh buzoq olish imkonini yaratiladi [8].

Xulosa. Sigirlarda akusher-ginekologik dispanserlash tadbirlarini rejali ravishda o'tkazilish ko'payish a'zolari va sut bezi kasalliklarini o'z vaqtida aniqlash, oldini olish va davolash, hayvonlarning ko'payish xususiyatlarini va mahsuldorligini, ularning belgilangan muddatlarda urug'lanishi va sog'lom, hayotchanligi yuqori nasl olinishini, reproduktiv yoshdagi hayvonlardan foydalanish samaradorligini oshirishni va yuqori mahsuldorlikni ta'minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Акушерско-гинекологическая диспансеризация на молочных фермах / Н. И. Полянец, А. Н. Синявин. 2-е изд., перераб. и доп. М. Росагропромиздат, 1989. 175 с.
2. Косенко М.В. Диспансеризация в системе профилактики бесплодия и контроля воспроизводительной функции крупного рогатого скота / М.В. Косенко. Киев: Урожай, 1989. 285 с.
3. Никитин В.Я., Студенцов А.П., Шипилов В.С. Ветеринарное акушерство, гинекология и биотехника размножения - М.: Колос, 1999, 495 с.
4. Новых, Н. Н. Диагностика и лечение акушерско-гинекологических заболеваний коров / Н. Н. Новых, А. Н. Сутыгина // Наука Удмуртии. 2011. № 1 (50). С. 82-86.
5. Нормы и рационы кормления сельскохозяйственных животных. Справочное пособие / А.П.Калашников, В.И.Фисинина, Н.И.Клейменова // Москва, 2003.- 455 с.
6. Eshburiyev B.M., Eshburiyev S.B., Djumanov S.M. Veterinariya akusherligi fanidan amaliy-laboratoriya mashg'ulotlar. O'quv qo'llanma, Samarqand, 2020.
7. Eshburiyev B.M. Veterinariya akusherligi. Darslik. Toshkent, 2018.
8. Eshburiyev B.M., Djumanov S.M., Sidiqov B.T. Sigirlarni sun'iy urug'lantirish bo'yicha tavsiyalar. Samarqand, 2022.
9. Eshburiyev B.M., Eshburiyev S.B., Sulaymonov M.A. Sigirlar va urug'lantirish yoshidagi tanalarda akusher-ginekologik dispanserlash bo'yicha uslubiy ko'rsatma. Samarqand, 2023.
10. Norboyev Q.N., Bakirov B., Eshburiyev B.M. Hayvonlarning ichki yuqumsiz kasalliklari. Darslik, Toshkent, 2020. 209-255 b.
11. Norboyev Q.N., Eshburiyev B.M., Eshburiyev S.B. Qoramolchilikni rivojlantirishda veterinariya tadbirlari. Samarqand, 2018.
12. Norboyev Q.N., Eshburiyev B.M., Eshburiyev S.B. Sigirlarda vitaminlar va mineral moddalar almashinuvi buzilishlarining diagnostikasi va profilaktikasi bo'yicha tavsiyalar «N.Doba» XT. - Samarqand, 2015. 27 b.

УЎК 619. 616-008.62:636.2.034

Ш.А.Каримов, қ.х.ф.н., доцент,
Ш. Х.Чоршанбиев, в.ф.н.,
Термез агротехнологиялар ва
инновацион ривожланиш институти

ҚОРАМОЛЛАР БЕПУШТЛИГИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ ТАСНИФЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ

Аннотация

Статья посвящена наиболее распространённому явлению бесплодию коров и телок, его этиологическим причинам, патогенезу в различных формах. В ней содержится анализ специальной литературы по данному вопросу посвященной видам, причинам бесплодия животных. В статье частично описаны такие виды бесплодия коров как эксплуатационная, симптоматическая, климатическая, алиментарная. Указаны основные причины возникновения данных видов бесплодия, указаны их течения и симптоматика. Даны советы по снижению бесплодия коров с устранением их основных причин.

Ключевые слова: коровы, телята, бесплодие, этиология, симптомы, аномалия, органы размножения, шейки матки.

Кириш. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, айниқса сигирларнинг қисирлиги натижасида туғмаслиги ва ҳар 100 сигирдан 80 %дан пастлиги чорвачиликни ривожлантириш йўлидаги жиддий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Афсуски сўнги йилларда зоотехниклар ва ветеринария врачларининг асосий иш фаолияти якуини кўрсатувчи натижа, яъни ҳар 100 сигирдан неча бола олиш тўғрисида статистика маълумоти вилоят ва республика миқёсида юритилмаяпти. Холбуки 20-асрнинг 2-ярми ва 21 аср

Abstract

The article is devoted to the most common phenomenon of infertility of cows and heifers, its etiological causes, pathogenesis in various forms. It contains an analysis of special literature on this issue devoted to the types and causes of infertility in animals. The article partially describes such types of cow infertility as operational, symptomatic, climatic, and nutritional. The main causes of these types of infertility are indicated, their course and symptoms are indicated. Advice is given on how to reduce cow infertility by eliminating its main causes.

бошларида нафақат совет ва рус олимлари, балки чет эллик олимларнинг кўплаб асарларида қорамол, чўчка, қўй ва бошқа ҳайвонлар турларида ҳар 100 бош она ҳайвонларда бола олиш ва уларнинг бепуштлигини олдини олиш ва бартараф этиш муаммолари ёритилар эди. Афсус сўнги даврда бу муаммога кам эътибор берилмоқда. Кўриб чиқилаётган мавзудан келиб чиққан ҳолда, ҳайвонларнинг бепуштлигини вилоятлар ва уларнинг худудлаи миқёсда сигирларнинг бепуштлик шакллари

намоён бўлишининг худудий хусусиятлари дехкон ва фермер хўжаликларида янада чуқурроқ ўрганиш зарура-ти туғилади ва бу масала ечими Ўзбекистонда чорвачи-ликни ривожлантириш учун долзарбдир.

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида дехкон, фермер ва бошқа турдаги хўжаликларида қорамолчиликни ри-вожлантиришнинг ҳозирги даражаси қорамолларда бе-пуштликнинг ишончли олддини олиш, бепуштлик шакл-ларини ташхислаш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, сигирларни акушерлик ва гинекологик касаллик-ларини ўз вақтида замонавий усулларда даволаш, сигир-ларнинг жинсий функциясини рағбатлантиришни талаб қилади. Фақат шу асосда сут чорвачилик тармоғи сама-радорлигини оширишни таъминлаш мумкин.

Маълумки ишлаб чиқаришда турли хўжаликлардаги ихтисослаштирилган чорвачилик фермалари ва наслчи-лик фермаларида ветеринария мутахассислари ҳар кун иш ўзларининг иш вақтининг 25 дан 50 %гача вақтини по-дани кўпайтириш ва акушерлик ва гинекологик касалли-кларга чалинган ҳайвонларга тиббий-профилактика ёр-дамини кўрсатиш билан боғлиқ ишларга сарфлайди. Шу сабабли биз ҳайвонларнинг бепуштлиги ва қисир қолиш сабаблари ҳолати оид адабиётларни кўриб чиқдик ва таҳлил этди.

Қишлоқ хўжалигида чорва ҳайвонларнинг бепуштли-ги ва қисир қолишлик ҳолатлари 20-асрнинг иккинчи яр-мида атрофлича кўплаб хўжаликлар иш фаолияти якунла-рида ва илмий тажрибаларда ўрганилган. Ҳайвонларнинг бепуштлигини ўрганиш асосчиси Бутунроссия қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг муҳбир аъзоси, про-фессор А.П. Студенцов ҳисобланади. У шогирдлари бил-лан биргаликда йирик ва майда қорамоллар, чўчкалар ва бошқа турдаги ҳайвонларнинг бепуштлигини ўрганган ва ҳар бир сигир 300-315 кун ичида туғиши кераклигини аниқлаган [12].

Бунда илмий хулосаларда чорвачилик хўжалик-лардаги мавжуд бепуштликлар уни юритиш ишлари-ни ташкиллаштириш ва чорва моллари бош сонини кўпайиш шартларини бузиш билан боғлиқ бўлган кўплаб сабаблар натижасида ушбу хўжаликларнинг сигирлар-нинг бепуштлик кунларининг тўпланишига, сигирлардан бузоқлар олиш меъёрларини бузишига сабаб бўлишини кўрсатган.

Таъсир қилиш вақти нуқтаи назаридан, бепуштлик-нинг сабаби кўпинча ўтмишдаги омиллар ҳисобланади, лекин улар сигирларнинг жинсий кўпайиш репродук-тив тизими ва бошқа органларларида турли морфологик ўзгаришлар ва функционал бузилишлар шаклида орга-низмларида из қолдиради. Ушбу ўзгаришлар ва бузилиш-лар сабабларига кўра бепуштликнинг қуйидаги шаклла-ри:

- сигирларни ишлаб чиқариш жароёнида нотўғри иш-латиш (эксплуатация шакли);
- Сигирларнинг генитал ва бошқа органларнинг ка-салликлари – (бепуштликнинг симптоматик шакллари);
- сигирлар ва ғунажинларни уруғлантиришнинг бу-зилиши – (бепуштликнинг сунъий йўл билан ортирилган шакли) [1,3,12]
- Сигирларни парваришдаги бузилишлари – (бе-пуштликнинг иқлимий шакли) [4,6,8];
- Сигирларни озиқлантиришдаги хатолар – (бепушт-ликнинг озукавий шакли) [12,13];

- кексалик даврига етиши туфайли – (бепуштликнинг кексалик шакли) [10,12];

- Сигирларнинг нотабий, ғалати деформацияланган бузоқларни туғилиши – (бепуштликнинг туғма шакли) [11,8];

- иммун бепуштлик [7,8] таснифланган.

Сигирлардаги бепуштликнинг юқоридаги саналган шаклларида энг кўп учрайдиган сабаблар бепуштликнинг етакчи шакллари ҳисобланади. Бу бепуштликлардан си-гирларни ишлаб чиқариш жароёнида нотўғри ишлатиш, симптоматик ва сунъий йўл билан орттирилган шаклла-ри етакчи ўринларни, озукавий, иқлимий, симптоматик, сунъий равишда олинган шакллари барчасининг асосий улушларини эгаллайди.

Сигир бепуштлигининг ишлаб чиқариш жароёни-да нотўғри ишлатиш шакли бепуштлик кунларининг тўпланишига, сигирнинг сут бериш даври лактацияси ва “қурук ушлаш” даврнинг ўзгаришига олиб келадиган кўплаб иш шароитлари бузилган натижасида вужудга ке-лади.

Маълумки сигирларнинг “қурук ушлаш” давр-нинг энг мақбул давомийлиги 60-70 кун бўлиши ке-рак. Аммо ишлаб чиқаришнинг қийинчилиги шунда-ки, сут маҳсулдорлиги юқори бўлган кўплаб сигирлар, айниқса рекордчилар бу даврда ҳам ўзларининг юқори маҳсулдорликни сақлаб қоладилар ва кунига 15-25 кг ва ундан ортиқ сут беришини давом эттирадилар. Шу му-носабат билан, сигирни “қурук ушлаш” даврини бошлаш керак бўлса-да, у иқтисодий сабабларга кўра соғилади. Бу ҳолат эса қурук даврини қисқартиради. Кўпгина олимлар томонидан бундай сигирларнинг “қурук уш-лаш” даврини туғилишдан олдин 45 кунгача давом этти-риш мумкинлиги тавсия қилинган [6,8,10];

Бироқ, кўплаб олимлар бундай қарашларга қўшил-майдилар, чунки қисқа қурук ушлаш (45 кундан кам) даврида хомиладор ҳайвон организми ҳар доим ҳам лактация даврида сут билан ажралиб чиқадиган муҳим тўйимли моддаларни ўрнини қоплаш олмайди, чунки бу ҳолат уларнинг қорнидаги хомила ривожланишини бузилишига олиб келади ва натижада туғруқ даврида ва туғруқдан кейинги даврда унинг асоратлари турли кўринишда: йўлдошнинг ушланиши, бачадон субинвол-юцияси узайиши, турли эндометрит ва бошқа касаллик-лар намоён бўлиши мумкин.

Сигирларда туққанидан сўнг биринчи 100 кунлик-да интенсив соғиш ташкил этилиши туфайли уларнинг “қурук ушлаш” даврининг узайиши кузатилади. Бунда кўпинча сигир ёки ғунажиннинг сут маҳсулдорлиги даст-лабки 2-3 ойга кўпайганидан кейин улар кескин пасаяди, баъзан эса сут ишлаб чиқариш бутунлай тўхтайд. Ама-лиётда узоқ 3-4 ойлик “қурук ушлаш” давлари кўпинча йилига 2-3 минг кг сут берадиган паст маҳсулдори си-гирларда ва сигирлар туғилгандан кейин 90 кунгача ёки ундан кўпроқ вақтгача уруғланиш сабабли, яъни уруғланиши кечикиши, сигирларни тўлиқ соғиб олмас-лик, семириши, сигирларга уларнинг туғишлари вақтида турли вужудга келадиган асоратларни йўқ қилиш ва туғишдан кейинги даволаш ишлари сабабли кузатилади.

Ишлаб чиқаришда соғин сигирларнинг сут маҳсул-дорлигини ошириш шаклида намоён бўлган сигирларни ишлатилишининг кучайиши кетоз, эндометрит, мастит, туғруқдан кейинги парезлар ва тухумдонларнинг функ-

ционал бузилишлари каби касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

Сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш учун зарур бўлган озиклантиришнинг юқори даражасига кўпинча кўпроқ концентрантланган озуқа бериш орқали амалда ошиши эришилади. Кўпинча 1 кг сутга 300 г дан ортик бўлган кучли омихта емларни бериш каби озиклантириш тури нафақат сигирларнинг, балки буқаларнинг ҳам организми аста секинлик билан йўқ қилади. Бундай ишлатиш сигирларда дастлаб моддалар алмашинувининг кучайишига ва охириги пировард натижада уларнинг кўпайиш фаолиятига ва уни кечиш жараёнига салбий таъсир қилади. Бунда улар кўпинча плацента, бачадон субинволюцияси, эндометрит, тухумдон касалликларини ушлаб туришга олиб келади, сигирларнинг куйга келишида уруғланишини 20-40% га камайтиради, баъзида нуксонли жинсий цикллarga, уруғлантириш сонининг кўпайишига ва бепуштлиқ кунларининг кўпайишига олиб келади. Афсуски, лактация етишмовчилиги туфайли сигирлар эрта йўқ қилинади [12,14];

Адабий маълумотларнинг таҳлили асосида шунини таъкидлаш мумкинки, сигирларнинг лактация ва куруқ ушлаш даври давомийлигидаги ўзгаришлар билан ифодаланган кўп ишлариш (эксплуатация) даражаси организмга, хусусан, жинсий функцияга, сигирларнинг маҳсулдорлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳолатларда биз сигирларнинг озикланиши ва яшаш шароитлари уларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнашини яна бир бор кўришимиз мумкин.

Сигирларда бепуштлиқнинг симптоматик шакли генитал ва бошқа органларнинг касалликлари туфайли вужудга келади ва кузатилади. Жинсий органларда патологик жараённинг ривожланиши сигирларнинг сут маҳсуллигига ва сутнинг сифатига салбий таъсир қилади.

Бепуштлиқнинг симптоматик шаклининг асосий сабаблари платсентани ушлаб туриш, акушерлик, сунъий уруғлантириш пайтида ветеринария-санитария қоидаларини бузиш натижасида унга шартли патоген микрофлоранинг тушиши ва бемалол жинсий органлар ичкарасига кириб бориши, баъзан патоген микрофлорани эндоген йўллар орқали туғилиш каналига кирганлиги натижасида ривожланадиган бачадондаги яллиғланиш жараёнидир. Жинсий органларда патологияга олиб келадиган сабаблар ҳайвонларда бепуштлиқ ривожланиш механизмининг муҳим омили ва этиологик компоненти сифатида қаралади. Шу муносабат билан бачадон ва қиннинг шиллик қаватида гиперплазиядан атрофиягача ўзгаришлар юз бериши мумкин, бу ўзгаришлар эса сигирларнинг репродуктив тизимини бузади [8,12,13].

Туғруқдан кейинги эндометритларнинг асосий сабаби ҳайвон танасининг қаршилигининг пасайиши фонида шартли патоген микрофлоранинг патогенлигининг ошиши ҳисобланади. Сигирларда эндометритнинг пайдо бўлишида улар организмларининг табиий қаршилигини ва бачадоннинг маҳаллий иммунитетини заифлаштириш муҳим роль ўйнайди. Сигирларнинг туғруқдан кейинги барча касалликлари типик инфекцион патология сифатида кўриб чиқилиши керак, бу занжирда асосийси тананинг ҳимоя ҳолати, умумий иммунитет танқислиги ва технологик стрессларни ҳисобга олиш зарур. [1,8,9,10].

Сигирларда селен етишмовчилиги турли репродуктив функция бузилишларини, жумладан эндометрит, плацентани ушлаб туриш ва бачадон субинволюциясини

келтириб чиқаришини аниқлаган. Акушерлик ва гинекологик касалликлар уларга мойиллиги, ёши, организмнинг физиологик ҳолати, йил фасли ва атроф-муҳит омилларига қараб турлича намоён бўлишини қайд этганлар. Бунда сигирларнинг организмда баъзи морфологик ва иммунологик параметрларида сезиларли ўзгаришлар мавжуд бўлади. [1,3,10]

Сигирларда туғишларидан кейинги даврнинг табиатига, турли сабаблардан ташқари, маълум даражада тананинг умумий носпецифик қаршилиқ ҳолати ҳам таъсир қилади. Симптоматик бепуштлиқлар подадаги сигирларнинг ўртача 23% гача, юқори маҳсулдор сигирларда эндометрит ҳолатларининг 70-80% гачасини қамраб олади. Бундай бепуштлиқ кўпинча беш ёшгача бўлган районлаштирилмаган зотларнинг сигирларида қайд этилади [1,8,9,10].

Шундай қилиб, сигирларда бепуштлиқнинг симптоматик шакли патологик туғиш, акушерлик-гинекологик текширувлар, сигирларни сунъий уруғлантириш пайтида, турли ёрдамлар кўрсатишда ветеринария-санитария меъёрларини бузиш натижасида юзага келади. Сигирларда бепуштлиқнинг симптоматик шакллари фермаларда кенг тарқалган ва йил давомида қайд этилиши мумкин. Сигирларда бепуштлиқнинг ушбу шаклини даволаш ва олдини олиш учун жуда кўп турли хил ёндашувлар мавжуд.

Бепуштлиқнинг сунъий орттирилган шакли жинсий иссиқлик нотўғри аниқланганда, эструс ўтказиб юборилганда, ургочи уруғлантиришга физиологик жиҳатдан тайёр бўлмаганда, паст сифатли сперма ишлатилганда, уруғлантириш антисанитария шароитида амалга оширилганда, мутахассис юқори малакага эга бўлмаганда ва ҳоказоларда юзага келади [8,9].

Сигирларда бепуштлиқнинг симптоматик шакли патологик туғиш, акушерлик-гинекологик текширувлар, сигирларни сунъий уруғлантириш пайтида ёрдам кўрсатишда ветеринария-санитария меъёрларини бузиш натижасида юзага келади. Сигирларда бепуштлиқнинг симптоматик шакллари фермаларда кенг тарқалган ва йил давомида қайд этилиши мумкин. Бепуштлиқнинг сунъий орттирилган шакли жинсий куйга келиш вақти нотўғри аниқланганда, эструс ўтказиб юборилганда, ургочи уруғлантиришга физиологик жиҳатдан тайёр бўлмаганда, паст сифатли сперма ишлатилганда, уруғлантириш антисанитария шароитида амалга оширилганда, мутахассис юқори малакага эга бўлмаганда ва ҳоказоларда юзага келади [8,9,10].

Сигирларда бепуштлиқнинг сунъий йўл билан орттирилган шакли йил давомида кузатилади. Сигирларда бепуштлиқнинг ушбу шаклини йўқ қилишнинг энг муҳим усули – куйга келган ғунажин ва сигирларнинг аниқловчи синовчи буқалардан фойдаланишдир. Чорвачиликда синов буқаларидан фойдаланишнинг кўплаб усуллари мавжуд, аммо уларнинг ҳар бирида маълум камчиликлар мавжуд.

Сигирларда бепуштлиқнинг иқлимий шакли ҳам ишлаб чиқаришда жуда тез-тез қайд этилади.

Сигирларда бепуштлиқнинг иқлимий шакллари пайдо бўлишига сўнги даврида чорвачиликни сановат асосига ўтказиш ва наслчилик ишларини йил бўйи четдан зотли молларни импорт қилиш сабаб бўлиши мумкин. Бепуштлиқнинг бу шакли, айниқса, четдан олиб келинган қорнида ҳомиласининг сўнгги ойларида бўлган гу-

нажинлар ва сигирларда кўпроқ учрайди. Сигирларнинг репродуктив функциясига ушлаш шароитларида сигирларнинг жисмоний ҳаракатлари катта таъсир кўрсатади. Репродуктив аппаратдаги жисмоний ҳаракатсизлик фонида, кўпинча сигирларнинг боғланган уяси ҳукмрон бўлган даврда ривожланади. Бу ҳолатларда қон томир тизимининг, айниқса микроциркуляр қон айланишлари ва веноз бўлимининг кенгайиши билан намоён бўладиган аниқ гемодинамик касалликлар ривожланади. Натижада, тухумдоннинг кортикал зонасида шиш пайдо бўлади ва қон томир зонасида бу турғунликка олиб келади. Тухумнинг атрезияси фолликулларда пайдо бўлади. Бачадонда шиллик қаватнинг қопловчи эпителийси ва унинг без аппаратида деструктив ўзгаришлар ва эпителийнинг дескуамацияси содир бўлиб, мозаик эрозияларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шиллик қаватнинг эрозияланган жойларида яллиғланиш ривожланади. Шунинг учун, иклимий бепуштлик билан, сигирлар тухумдон циклиларини ва бачадон шиллик қаватининг ҳомилани ўзида ушлаб қола олмаслиги кузатилади [2,14].

Сигирларда бепуштликнинг иклимий шакли ғунажинлар ва сигирларнинг бир иклим зонасидан бошқасига кўчирилишида иклим шароитининг кескин ўзгариши шароитида юзага келади. Чорвачиликнинг ўзида содир бўладиган, иклим бузилишларини акс эттирувчи микроклимат ўзгаришлари организмга, хусусан, сигирларнинг жинсий функцияга салбий таъсир кўрсатади. Бундан келиб чиқадики, макро ва микроклиматик сабаблар ҳайвонларнинг иклимий бепуштлигини келтириб чиқаради.

Ҳайвонларнинг озукавий бепуштлиги кўпинча озукатишмаслиги, мувозанатсиз кунлик рацион, ортиқча овқатланиш ва бошқалар туфайли юзага келади. Шундай қилиб, сигирларда кам озикланиши ёки мувозанатсиз кунлик овқатланиши узок давом этса, улар оғир туғилишга ва бачадоннинг субинволюциясига, абортларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, бепуштлининг бу шаклида ҳам эндометритлар, тухумдонлар дисфункцияси, сут ишлаб чиқаришнинг камайиши ва мастит ривожланишига мойиллик, метаболик касалликлар, жинсий функциянинг камайиши, нуксонли жинсий циклларнинг кўп марта такрорланиши, янги туғилган бузоқнинг ва сигирнинг ўзини вазини камайиши, бундай сигирлардан туғилган ғунажинларда балоғатга етишнинг кечикишлари кузатилади.

Сигирларнинг рацион таркибидаги фосфор-кальций нисбати бўйича мувозанатсиз овқатланиши анафродизия бошланиши, жинсий циклнинг қўзғалиш босқичи белгиларининг заифлашиши ва жинсий цикл ритмининг бузилиши туфайли узок муддатли бепуштликка олиб келади.

Рационда бўладиган оксил (57% га) ва шакар (40% га) миқдорининг кўпайиши туғруқ жараёнига, туғруқдан кейинги даврга ва янги туғилган бузоқларнинг ҳолатига салбий таъсир қилади. Сигирларда бепуштликнинг озукавий шакли кунлик рациондаги мувозанатнинг бузилиши, бир ёки бир нечта элементларнинг етишмаслиги ёки кўплиги ёки ҳатто озукатиридаги турли хил ҳолатлар бўлиши мумкин [12-14].

Хулоса.

1. Ўзбекистондаги дехкон ва фермер хўжаликларида сигирларнинг бепуштликлари орасида энг кўп ҳолатлар ва улушларда қуйидаги 4 та шаклини кузатиш мумкин:

- эксплуатация шакли - лактация даврининг 305 кундан ортиқ давом этиши, куруқ даврнинг давомийлиги 120 кундан ортиқ ва 45 кундан кам бўлиши ва бунда уларда сурункали субинволюция, гипотензия ва атония шаклида бачадоннинг функционал патологиясининг ривожланиши;

- симптоматик - акушерлик ва гинекологик ёрдам кўрсатишда ветеринария-санитария қоидаларини бузганлиги ва сигирларнинг юқумли фолликуляр вестибилит ва некробактериоз билан касалланганлиги сабабли; сунъий усулда қочириш - кўпайиш технологиясини бузганлиги сабабли: сигирларнинг физиологик ҳолатини етарли даражада қайд этмаслик ва назорат қилиш, сигир ва ғунажинларнинг қуйи келишлигини ўз вақтида аниқламаслик, синов буқаларнинг йўқлиги, сифатсиз сперматозондлардан фойдаланиш, сигирларни сунъий уруғлантиришда техник ҳодимларнинг касбий билимининг пастлиги сабабли кузатилади. ;

- иклимий - сигирларни зоогигиеник меъёрларга жавоб бермайдиган очик далаларда, биноларда геопатоген зоналарида сақлаш туфайли;

- озукавий - сигирларни куруқ ушлаш даврида етарли бўлмаган ва нотўғри озиклантириш туфайли вужудга келиши кузатилади.

2. Зооветеринария ва сигирларни суъний қочириш мутахассисларига турли хўжаликларда сигирлар бепуштлигини камайтириш учун доимий равишда ўз хўжаликлари сигирларнинг физиологик ҳолатини кузатиш, туғилиш ва туғруқдан кейинги асоратларни башорат қилиш, кўп уруғлантириш сабабларини, бепуштлик шакллари таҳлил қилиш, самарали даволаш ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.А. Багманов, Р.Н. Сафиуллов. Сигирнинг оғир туғилишдан сўнг бачадони микрофлораси. Российский ветеринарный журнал: спец. вып. 2007. 12 - С..
2. А.М. Белобороденко, М.А. Белобороденко, Т.А. Белобороденко Гиподинамия ҳолатида сигирлар жинсий органларининг морфологик ва фаолиятлари ўзгаришлари. Российский ветеринарный журнал: спец. вып. 2007. -С.5-6.
3. Колчина А.Ф. Ўрта Уралнинг техноген зарарли ҳудудларида сигирларнинг селен таъминоти даражаси. Материалы междунар. науч.-практ. конф. посвящ. 100-летию А.П. Студенцова. Казань, 2003. - С. 165-171.
4. И.Г. Конопелтцев, А.Б. Филатов. Ветеринария акушерлиги амалиётига озонотерапия усулини киргатиш натижалари. Материалы междунар. науч.-практ. конф. посвящ. 100-летию А.П. Студенцова. Казань, 2003. - С. 178-180.
5. К.А. Лободин ва бошқалар. Лигфол сигирларнинг кўпайтириш фаолиятларини ўзгартариш учун. Ветеринария ж.-2006.- № 3 С.39-44.
6. А.Г. Нежданов ва бошқалар. Сигирлар тухумдоннинг гипофаолиятида сигирлар туғилиши тиклаш, Ветеринария.-2007.- № 7.- С.39-44.
7. В.Я. Никитин ва бошқалар. Бепушт сигирларни даволаш. Тр. Кубанского гос. аграрного ун-та: сер. Ветеринарные науки.- 2009-№1 (ч.2).-С.204-205.
8. В.А. Петров, Ш.Р. Мирзахметов, Сигирлар энтометритлари самарали даволаш сулини ишлаб чиқиш.
9. К.К.В. Племяшов, Г.М. Андреев, П.Г. Захаров ва бошқалар. Сигирларни кўпайтириш бўйича амалий тавсиялар, СПб.: Изд-во СПбГБВМ, 2008.- С.90.
10. Ю.М. Серебряков. Узок шарқда сигирлар йўлдошининг ушланиш даражаси. Российский ветеринарный журнал: спец.вып.-2007.- 11 в.
11. А.П. Студенцов ва бошқалар, Ветеринария акушерлиги, гинекологияси ва кўпайтириш биотехникаси. М.: Колос, 1999.-496 в.
12. С. Н. Хохрин. Чорва молларини озиклантириш. СПб. Квадро.467 в.
13. Л.К. Эрнст, К.В. Маркова, Н.П. Семенов, В.Т. Самохин. Юқори маҳсулдор сигирлардан узок фойдаланиш М.: Россельхозиздат, 1970.137-143 в.

UDK: 619:636.31:616.99:617:611.81.

Ravshanov Mirjalol Akmal o'g'li, *tayanch doktorant, Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti*

QO'YLAR SENUROZINING ZAMONAVIY DIAGNOSTIKASI

Абстракт

В статье проведено МРТ и МСКТ исследование головного мозга 3х поголовье овец, пораженных ценурозом, анализ состояния роstralной и каудальной полостей головы, существование и количества кист *C.cerebralis* в головном мозге овец, патологических изменений в костях черепа, а также определение оптимальной зоны операции краниэктомии.

Kalit so'zlar: qo'y, bosh miya, senuroz, narkoz, MRT, MSKT, pufak, operatsiya.

Abstract

The article conducted an MRI and MSCT study of the brain of 3 sheep affected by coenurosis, analysis of the state of the rostral and caudal cavities of the head, the existence and number of *C.cerebralis* cysts in the sheep brain, pathological changes in the bones of the skull, as well as determination of the optimal area for craniectomy surgery.

Kirish. Senuroz dunyoning ko'plab davlatlarida uch-rab, qo'ychilik xo'jaliklariga katta iqtisodiy zarar yetkazib kelmoqda. Senuroz – *Taenia multiceps* lichinka bosqichidan kelib chiqadigan, o'linga olib keladigan kasallik bo'lib, qo'ychilik xo'jaliklarida katta iqtisodiy yo'qotishlarga olib keladi [8,138-142 b.,].

Mavzuning dolzarbligi: Hozirgi kunda senurozga tashxis qo'yishda zamonaviy tekshirish usullari UTT [5,16-17 b], MRT va MSK usullaridan ham keng foydalanilmoqda. Tadqiqotchilar tomonidan senurozga chalingan qo'ylar MRT tekshiruvlaridan o'tkazilib, quyidagi xulosalar olingan.

Senurozning tashxisi va aniq joylashuvi tomografiya yordamida amalga oshirish mumkin [4, 92 b].

Ta'riflangan xarakterli MRT natijalari nevrologik kasalliklarga chalingan mayda kavsh qaytaruvchi hayvonlarni diagnostik baholashda qo'shimcha yordam bo'lishi mumkin. Mayda kavsh qaytaruvchi hayvonlarda MRT tekshiruvlarini o'tkazish maqsadga muvofiq [6, 865-871 b].

Qo'ylarda senurozning MRT tasvirlarida miya shishi, bosh suyagi suyaklarining o'choqli va diffuz anomaliyalari, qon ketishi, intrakranial bosimning oshishi kuzatiladi. Kasal qo'ylarda bosh suyagi bo'shlig'ining hajmlari sog'lomlar-

ga qaraganda yuqori, pufaklarning umumiy hajmi boshning oldingi qismlarida 4 dan 51% gacha, orqa qismlarida 15-68% gacha [2, 1913-1918 b].

Kompyuter tomografiyasi zararli bo'lmagan usul bo'lib, u bosh miya senurozini tashxislashda juda foydali bo'lib, na-faqat parazitlar pufaklarning joylashishi, hajmi va soni haqida ma'lumot berish, balki miyaning zararlanish darajasini baholash imkonini beradi [1, 281-285 b].

Miya va bosh suyagi MRT yordamida tekshirilganda, jarrohlik muolajalarining samaradorligi 90% gacha bo'lishi mumkin [2, 1913-1918 b., 3, 1-16 b., 7, 1-18 b.]


Senur pufagini olib tashlash maqsadida o'tkaziladigan ko'plab operatsiyalarda joylashuvi noaniqligi sababli pufak qisman yoki to'lig'icha ekstraksiya qilinmaydi, bu esa kelgusida organizmga nojo'ya tasir ko'rsatishi mumkin.

Senurozga chalingan qo'ylar MRT va MSKT tasvirlari natijalariga qarab pufakning joylashuvini aniqlash, suyakdagi patalogik jarayonlarni baholash mumkin, bu esa senur pufagini samarali bosh miyadan olib tashlash imkonini beradi.


Material va usullar. Tadqiqotlar 2021-2022-yillar davomida Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti "Veterinariya jarrohligi va



1-rasm. Miyaning chap yarim sharida senur pufagi joylashgan joydagi suyaklarning ichki kortikal yemirilishi, sog'lom tarafga nisbatan 0,9 mm yemirilgan



2-rasm. Miyaning chap yarim sharida senur pufagining elliptik soya shaklida ko'rinishi.



3-rasm. Axial (chapda) va sagittal (o'ngda) tekislikdagi MRT tasvirlari

akusherlik" kafedrasida jarrohlik klinikasida o'tkazilib, Samarqand viloyatining ayrim hudularidan va Jizzax viloyatining Zomin tumani, Navoiy viloyatining Konimex tumanlaridan keltirilgan 1 yoshgacha bo'lgan Senurozga chalingan 3 bosh qo'ylarda o'tkazildi. Tadqiqotlarda klinik, MRT, MSKT, biometrik va statistik ishlov berish usullaridan foydalanildi. Buning uchun 1.5T CHORUS (Koreya) MRT va Neusoft.128 MSKT apparatlaridan foydalanildi.

Tadqiqotlar natijalari va ularning tahlili. Senurozga chalingan qo'ylarning bosh miyasi mrt tasvirlari 1.5T CHORUS (Koreya) MRT va Neusoft.128 MSKT apparatlarida va odamlarning bosh miyasini tasvirga olishga mo'ljallangan tekshirish usullaridan foydalanildi. Dastlab qo'ylarni harakatsizlantirish uchun umumiy og'riqsizlantirildi (ksilanit 2%, 0.15 mg/10 kg miqdorida bo'yunturuq venasiga ichiga) va qorin bilan yotqizilgan holatda fiksatsiya qilindi. MRT tasvirlari boshning sagittal, frontal, koronal, axial tekisliklarda olingan va birinchi bo'yin umurtqasidan boshlanib burun bo'shlig'igacha bo'lgan hududlarni o'z ichiga qamrab olgan. MRT impuls ketma-ketligi T1 va T2 o'lchamli tasvirlardan foydalanildi, takrorlanish vaqti 500 dan 9000 millisekundgacha, echo vaqti ketma-ketligi 13 dan 119 millisekundgacha, ko'rish maydoni 25 sm, matritsa o'lchamlari 256x208 va 256x192 bo'lgan matritsalarida, tasvirga olish davomiyligi 1,42-2,43 daqiqa davomida amalga oshirildi. Olingan tasvirlar asosida yakuniy tashxis miya parenxemasida dumaloq yoki elliptik shakldagi lezyonni aniqlash asosida qo'yildi. MSKT tekshirilgan ikkala qo'ylarda ham kranial suyak anomaliyalari kuzatilgan bo'lib, frontal suyaklarning anomalligi, ichki kortikal yuzalari yupqalashganligini (0,9mm) ko'rish mumkin (1-rasm). Suyaklarning yupqalashishiga pufak joylashgan hududda introkranal bosimning oshishi natijasida qon aylanishining buzulishi, suyakning atrofiyaga uchrashi asosiy sabab bo'lishi mumkin.

Chap miyada (diametri kamida 3 sm) ikkinchi suyuqlikni susaytiruvchi lezyon yoki chap dorsal tomon cho'zilgan katta hipoatenuatsiya qiluvchi lezyon aniqlandi. Chegaralar harakat va tasvirning xiraligi tufayli pufakning chegarasi yaxshi ko'rinmaydi (2-rasm).

MRT tasvirlarida kam uchraydigan holatlardan biri miyaning ikkala yarim sharlarida ham senur pufaklarini ko'rish mumkin (3-rasm). T1 axial tasvirlarda chap yarim shardagi

senur pufagi o'ng yarim shardagiga nisbatan kattaroq ekanligini ko'rish mumkin. T2 sagittal tasvirlarda pufakning hajmini va o'tkir chegaralari bo'lgan diffuz tarqalgan intraaksial elliptik lezyonni ko'rish mumkin. Bundan tashqari, tasvirlarda senur pufagi miya to'qimalariga jidiy zarar yetkazganligi, miya bo'laklari o'rtasidagi chegaralar (egatlar)ning buzulishi yoki yo'q bo'lib ketishi, serebellumning siqilishi, frontal sinusni o'rab turgan suyaklarning deformatsiyasi, kranial suyaklarning ichki kortikal yuzalarining umumiy yupqalashganligini ko'rish mumkin. Operatsiya o'tkazishda pufakning yuzaroq joylashgan qismida kraniektomiya o'tkazilsa, miyaga yetkaziladigan zarar ancha kamayadi, pufak miyadan osonlik bilan olib tashlanadi, suyak yupqaligi sababli trepanatsiya o'tkazish oson bo'ladi. Bu zamonaviy tekshirish usullari veterinariya sohasida kasalliklarga tashxis qo'yishda, ayniqsa senurozning joylashuvini aniqlash va samarali operatsiya o'tkazishga yordam beradi.

Miya MRTdan so'ng barcha qo'ylar kraniektomiya orqali kistalarni jarrohlik yo'li bilan muvaffaqiyatli olib tashlandi.

Xulosa

1. Bosh miyadagi senur pufak tasirida introkranal bosimning oshganligi sababli bosh suyagining shikastlanishi, kranial suyaklarning qalinligi yoki morfologiyasining o'zgarishi, o'rta miya yoki serebellum parenximasining g'ayritabiiy joylashuvi, senur pufagining hajmi va pufakning miyaning qaysi qismida joylashganligi, operatsiya o'tkazish uchun optimal hududi aniqlandi.

2. MSKT va MRT tekshirish usullaridan foydalanish senurozga aniq tashhis qo'yish hamda bosh miyadan pufakni olib tashlash imkonini oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Gómez M. et al. Hallazgos de tomografía computarizada en coenurosis cerebral crónica con hidrocefalo secundario en una oveja joven //Archivos de medicina veterinaria. – 2007. – T. 39. – №. 3. – C. 281-285.
2. Manunta M. L. et al. Magnetic resonance imaging of the brain and skull of sheep with cerebral coenurosis //American journal of veterinary research. – 2012. – T. 73. – №. 12. – C. 1913-1918.
3. Oryan A. et al. Review Paper Cerebral and non-cerebral coenurosis in small ruminants //Trop Bio Med. – 2014. – T. 31. – №. 1. – C. 1-16.
4. Ramírez VJ. et al. "Coenurus cerebralis": INFORME DE UN CASO CLÍNICO //Tecamachalco, Puebla, 2018. – C. 92.
5. Ravshanov M. A. Senurozga chalingan qo'ylarda ultratovush tekshirish natijalari //Veterinariya meditsinasi. – 2022. –b.16-17. Schenk H. C. et al. Magnetic resonance imaging findings in metabolic and toxic disorders of 3 small ruminants //Journal of veterinary internal medicine. – 2007. – T. 21. – №. 4. – C. 865-871.
6. Varcasia A. et al. Taenia multiceps coenurosis: a review //Parasites & Vectors. – 2022. – T. 15. – №. 1. – C. 1-18.
7. Равшанов М.А. Коракул куйларида ценурозни хирургик усул билан даволашни такомиллаштириш //тенденции развития ветеринарной паразитологии на пространстве СНГ и других стран в начале XXI века. Самарканд – 2021. –с. 138-142.

ҚОРАҚЎЛ ҚҲЙЛАР ЕЛКА СУЯГИ ҒОВАК МОДДАСИ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ПОСТНАТАЛ ОНТОГЕНЕЗДА ЎЗГАРИШИ

Аннотация

Изучена динамика изменения абсолютных показателей толщины губчатого вещества плечевой кости в постнатальном онтогенезе каракульских овец. Установлено, что абсолютный показатель проксимального и дистального губчатых веществ плечевой кости интенсивно увеличивается с первых 3-х дней до 3-х месяцев постнатального онтогенеза независимо от условий содержания каракульских овец, в 18 месяцев данный показатель наиболее высокий по сравнению с другими возрастами в связи с их физиологическим периодом созревания. Было обнаружено, что толщина губчатых веществ плечевой кости на изученных этапах постнатального онтогенеза была выше у овец каракульской породы предгорной зоны по сравнению с овцами степной зоны.

Калит сўзлар: елка суяги, найсимон, проксимал говак модда, дистал говак модда, қоракўл қўйлар, қўл ҳудуди, тоғолди ҳудуди, постнатал онтогенез, мутлақ кўрсаткич, ўсиш коэффициентлари.

Кириш. Суяклар организмда нафақат таянч ва ҳимоя функциясини, балки минерал моддалар алмашинувининг узлуксизлигини таъминлашни ҳам бажаради. Суякларнинг шаклланиши ва ривожланиши организмнинг ички ва ташқи муҳит билан бевосита алоқадорликда бўлиб беради. Ҳайвонлардан рационал ва тўғри фойдаланишда уларнинг биологик ҳамда морфофункционал қувватини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳайвонларнинг постнатал онтогенези бевосита табиий яшаш шароити, географик рельефи ҳамда скелетда жойлашуви билан боғлиқликда кечади.

Сут эмизувчилар олдинги оёқ суякларининг Ҳайвонларнинг турлари ва зотларига кўра фарқ қилувчи хусусиятларини аниқлаш бўйича хориж ва чет эл олимлари кўпгина илмий тадқиқотлар олиб боришган. Бу соҳадаги қизиқишлар албатта асосли бўлиб, Ҳайвонлар маҳсулотларини ветеринария-санитария ва суд экспертизасидан ўтказишда асосли маълумотлар сифатида қўлланилади. Шунингдек, бу каби тадқиқотлар натижалари Ҳайвон организмнинг бутун ҳолатини баҳолашга ёрдам бериши мумкин [1, 3, 6, 7].

Ёввойи қўйларда (муфлон) уларнинг ҳаёт кечириш тарзи билан боғлиқ равишда елка суягини калта ва бакуват, катта ва кичик бўрттиклари ўлчамлари бўйича бир хил бўлиши, суяк танасининг латерал юзасида озиклантирувчи тешик мавжудлиги, катта бўрттик тароғи кучли тараққийлашганлиги, делтасимон ғадир-будир юзада мускул ўсимтаси борлиги, катта юмалоқ ғадир-будир юзани кучсиз ривожланлиги, елка суяги ғалтагининг ёзувчи чуқурчаси бирмунча чуқурроқ бўлиши аниқланган [2].

Елка суягининг бошчаси маралларда бироз яссиланганлиги, ундан латерал томонда катта бўрттик, медиал томонда эса кичик бўрттик жойлашиши, юмалоқ ғадир-будир юза кучсиз тараққийлашганлиги, суякнинг дистал ғалтаги тўғри, унинг тўпиғини бўғим бўртиги билан чегаралаб турувчи ҳолатда жойлашганлиги, тирсак чуқурчасининг чуқур бўлиши билан тафовутланиши аниқланган [4].

Илмий тадқиқотлар натижасида дорпер зотли қўйлар олдинги оёқ скелети жуфт туёқли майда кавш қайтарувчилар учун хос бўлган тамойиллар бўйича

Summary

The dynamics of changes in absolute indicators of the thickness of the cancellous substance of the humerus in the postnatal ontogenesis of Karakul sheep was studied. It has been established that the absolute indicator of the proximal and distal cancellous substances of the humerus intensively increases from the first 3 days to 3 months of postnatal ontogenesis, regardless of the conditions of keeping Karakul sheep; at 18 months this indicator is the highest compared to other ages due to their physiological period of maturation. It was found that the thickness of the spongy substances of the humerus at the studied stages of postnatal ontogenesis was higher in Karakul sheep of the foothill zone compared to sheep of the steppe zone.

шаклланиши аниқланган. Муаллифнинг маълумотларига кўра, курак, елка, биллак ва тирсак суякларининг узунлиги дорпер зотли қўйлар пренатал тараққийлашнинг 5 ойлигидан бошлаб 12 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиб бориши кузатилади [8].

Тадқиқотлар натижасида, олдинги ва орқа оёққа Ҳайвон ҳаракатланганида ҳар хил юк тушиши, бу уларнинг вазнида намоён бўлиши, яъни одатда орқа оёқ массаси олдинги оёқдагига нисбатан 5-15% га кўп бўлиши аниқланган. Чунки, ҳаракат вақтида орқа оёқ асосий олдинги сурувчи ҳисобланади, тос-сон, тизза ва сакраш бўғимларини ёзувчи мускуллари жуда кучли ривожланганлиги билан характерланади [5].

Ёш организмларда суяк ҳосил бўлиш жараёни резорбциядан устунлик қилиши сабабли скелет ўсади ва постнатал онтогенезнинг ҳар хил физиологик босқичларида ўсиш ва ривожланиш нотекис кечади. Суяк тўқимасининг табақаланиши ва суяккашиш нуқталари ҳамда остесинтезни рентгенологик текширув орқали аниқлаш организмнинг биологик ёшининг энг ишончли индикатори ҳисобланади. Суякларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнини билиш организмни текширишда индивидуал ёндашиш имкониятини яратади [9].

Ҳар хил ҳудудларда урчирилаётган қоракўл қўйлар оёқ суякларининг постнатал онтогенезнинг турли физиологик босқичларида морфофункционал жиҳатларини ўрганиш орқали мазкур зотга мансуб қўйларнинг биологик хусусиятларини билган ҳолда улардан рационал ва тўғри фойдаланиш имкониятини беради.

Текшириш усули ва материаллари. Илмий текшириш ишлари қўл ҳудуди – Қашқадарё вилояти Нишон тумани ва тоғолди ҳудуди – Навоий вилояти Нурота тумани фермер хўжалиқларида парвариш қилинган, постнатал онтогенезнинг 3 кунлик, 3, 6, 12, 18, 24, 36, 60 ойлик босқичларига мансуб бўлган қоракўл қўйлардан олинган стилоподий суякларини устидан олиб борилди. Намуналар олиш учун ўрганилаётган ёшларга мансуб, клиник соғлом ва ўртача семизликдаги Ҳайвонлар танланди. Текширишлар объекти учун тегишли ёшларга мансуб бўлган қўйларнинг стилоподий суякларини олинди. Стилоподий бўлими елка ва сон суякларидан иборат.

Суякларга ишлов беришда ва морфометрик кўрсаткичларини аниқлашда умумморфологик услублардан фойдаланилди.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамий маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Суяклар кўрсаткичларининг ёшига қараб ўзгариш динамикасини аниқлаш учун ўсиш коэффициенти ҳисобланди.

Математик-статистик таҳлил Стюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Чўл ҳудудидаги қорақўл қўйлар елка суяги проксимал ғовак моддаси қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг 3 кунлигидан 3 ойлигига қадар бирмунча жадал ортиб, $2,84 \pm 0,08$ см дан $3,26 \pm 0,06$ см га ёки шу давр ичида ўсиш коэффициенти 1,15 мартага етиши, 6 ва 12 ойликларда мазкур кўрсаткични деярли ўзгармасдан (мос равишда, $3,32 \pm 0,07$ см, $K=1,02$; $3,83 \pm 0,09$ см, $K=1,15$; $p<0,03$), 18 ойликда бошқа ёшдагиларга нисбатан энг юқори даражага ($4,04 \pm 0,09$; $p<0,03$) етиши ҳамда кейинги ўрганилган ёшларда сезиларсиз тарзда тушиб бориши, яъни 24 ойликда – $3,31 \pm 0,11$ см ($K=0,82$; $p<0,04$) га, 36 ойликда – $3,26 \pm 0,08$ см ($p<0,03$) га, 60 ойликда – $3,12 \pm 0,06$ см ($K=0,96$; $p<0,02$) га тенг бўлиши қайд этилди. Суякнинг мазкур кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал онтогенезининг 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар 1,1 мартага етиши кузатилди.

Чўл ҳудудидаги қорақўл қўйлар елка суяги дистал ғовак моддаси қалинлигининг мутлоқ кўрсаткичи постнатал онтогенезнинг дастлабки 3 кунлигидан $2,09 \pm 0,03$ см га тенг бўлиб, кейинги 18 ойликка қадар босқичли тарзда кўтарилиши бориши ва 3 ойликда – $2,42 \pm 0,06$ см ($K=1,16$; $p<0,03$) га, 6 ойликда – $2,45 \pm 0,07$ см ($K=1,01$; $p<0,03$) га, 12 ойликда – $2,91 \pm 0,06$ см ($K=1,18$; $p<0,02$) га, 18 ойликда – $3,18 \pm 0,07$ см ($K=1,1$; $p<0,03$) га етиши, кейинги ёшларда бу кўрсаткичнинг босқичли тарзда пасайиб бориши ва 24 ойликда – $2,59 \pm 0,1$ см ($K=0,81$; $p<0,04$) га, 36 ойликда – $2,47 \pm 0,09$ см ($K=0,95$; $p<0,04$) га, 60 ойликда – $2,33 \pm 0,06$ см ($K=0,94$; $p<0,03$) га тенг бўлиши қайд этилди. Елка суяги дистал ғовак моддаси қалинлиги мутлоқ кўрсаткичининг ўсиш коэффициенти қўйлар постнатал ривожланишининг ўрганилган 3 кунлигидан 60 ойлигига қадар бўлган давр мобайнида 1,11 мартага ортиши кузатилди.

